БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 77 (2368), | 19 апрель, жума, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЧАҚИРИҚЛАРГА ЖАВОБАН

— ЕНГИЛ САНОАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ! МОЛЛАРНИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ОШИРИНГИЗ, ХИЛЛАРИНИ КЎПАЙТИРИНГИЗ, СИФАТИНИ ЯХШИЛАНГИЗ!

КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил 1 Май Чақириқларига жавобан Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари янада яхшироқ ишлаш ҳамда халқаро бирдамлик куни — 1 Майни меҳнат совғалари билан нишонлашга аҳд қилдилар.

Ип фабрикаси биринчи пишитиш-эшиш цехи калава бўлимининг мастер ёрдамчиси Асом Турдиқулов бошчилигидаги комплект коллективи эришаётган муваффақиятлар кишини қувонтиради. Бу коллектив машиналарни моҳирлик билан бошқариб, ҳар сменада нормадаги 2025 килограмм ўрнига 2100 килограммдан ип калаваламоқда. Калавачилар апрель ойида пландагидан ташқари 1500 килограмм биринчи сортли маҳсулот тайёрлашга аҳд қилишган.

М. СУЛТОНОВ.

ПЕШҚАДАМЛАР

Оҳангарон давлат район электростанцияси қурувчилари ва монтажчилари Тошкент экскаватор заводи инженер-техник ходимларининг ташаббусига қўшилиб, қурилиш ишларини тезлаштириш, унга меҳнат сарфини камайтириш учун кураш бошладилар. Комил Камолов бошчилигидаги дурадгорлар бригадаси аъзолари смена нормасини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришишаяпти.

Улар 12-қозон агрегати мультициклонининг биринчи постаментини графикда белгиланганидан беш кун олдин қуриб тугатдилар.

И. АҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг ўртоқ Ли Николай бошлиқ бригадаси деҳқонлари чигит экишни тугалламоқдалар. Уларнинг бу йилги мақсадлари 144 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 28 ўрнига 33 центнердан «оқ олтин» нўтариштир. Суратда: моҳир механизатор Қ. Сулаймонов ҳамда сеялкачи Ча Валентин ўртоқлар сўнгги гектарларга чигитни квадрат-уялаб экяяптилар.

А. Абалян фотоси.

КОММУНИСТЧАСИГА ИШЛАЙЛИК ВА ЯШАЙЛИК!

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг Тошкент областидаги барча меҳнаткашларга

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Совет халқи инсоният тарихида биринчи бўлиб меҳнаткашларнинг асрий орзусини амалга оширмоқда — энг порлоқ, энг адолатли бўлган коммунистик жамиятни барпо этмоқда. Биз, совет кишилари, инсон ўз тақдирининг ҳақиқий хўжайини бўлиб қолган энг илғор фан ва техникага эга бўлган мамлакатда яшаб, меҳнат қилмоқдамиз.

Совет кишиларининг бутун фикри-зикри шу кечакундузда КПСС XXII съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган. Ижодий меҳнатимиз хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида ўзининг ажойиб самараларини келтирмоқда.

Бизнинг областимиз экономикаси ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Етти йиллликнинг ўтган йиллари ичида пландагидан ташқари бирнеча юз минг сўмликдан знёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида областимиз саноат корхоналарида 1200 дан ортиқ маҳсус автомат агрегат ва ярим автомат станок ишлаб чиқаришга жорий этилди. 3500 га яқин технологик асбоб-ускуна модернизация қилинди.

1962 йилда меҳнат унумдорлиги бўйича белгиланган план 101,1 процент бажарилди, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 1961 йилдагига нисбатан 11,7 процентни ташкил этди.

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг ажойиб ҳаракати совет кишилари ижодий ғайрат-ташаббусининг ҳаётбахш манбаи, ҳаракатимизни тезлаштирувчи қудратли куч бўлиб қолди. Бу ҳаракат халқ хўжалигининг барча соҳаларни қамраб олган. Коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига яшаш учун курашаётганлар коммунистик қурилишнинг биринчи сафларида бормоқдалар, меҳнатга коммунистик муносабатнинг ҳақиқий, фидокорлик намунасини кўрсатмоқдалар.

Энг юқори меҳнат унумдорлиги учун кураш ва коммунистик онглиликни тарбиялашни бир-бирига узвий боғлаган ҳолда меҳнат, ўқиш ва турмушни бирлаштирган бу ҳаракат совет кишилари ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма томонларига актив таъсир кўрсатмоқда.

Областимизда келажак разведкачилари мусобақаси байроғи остига 8200 бригада (бу бригадаларда 142 мингдан знёд киши ишлайди), 240 корхона, 914 цех ва участка коллективлари, 32 мингга яқин коммунистик меҳнат зарбдори бирлашган.

Областимиз корхоналарида 1500 дан знёд киши Валентина Гаганова изидан бориб кўнгилли равишда қолоқ участкага ишга ўтди ва уларни илғорлар сафига етказиб олди. Улар коммунистик қурилишнинг умумий ишига чексиз содиқликлари туфайли шундай қилдилар. Областимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида ажойиб ватанпарвар йигит-қизларимизнинг номлари кўпайиб бормоқда. Бекобод металл заводи прокат станнинг мастери Саид Нуриддинов, «Ташсельмаш» заводи автомат участкасининг мастери Вадим Мельников, Олтинтопган қўрғошин-руҳ комбинати саралаш фабрикасининг ишчиси Надежда Воспитанникова, Чирчиқ электрохимия комбинатининг бригада бошлиғи Эргаш Эгамбердиев, канап фабрикаси ишлаб чиқариш таълими инструктори Кира Жутова ва бошқа жуда кўп коммунистик меҳнат зарбдорларининг номи меҳнатдаги муваффақиятлари туфайли шуҳратга бурканди.

Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларида саноатни ривожлантириш ва техника тараққиётини янада жадаллаштириш соҳасида муҳим вазифалар қўйилди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун курашда келажак разведкачилари — коммунистик меҳнат зарбдорлари ва бригадалари олдинги сафларда боришга даъват этилгандирлар.

Станок ва машиналардан мумкин қадар яхшироқ фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, хомашёни, материаллар ва давлат маблағини тежаб-тергаб сарфлаш ҳамда шу йўл билан етти йиллик бешинчи йили учун олинган социалистик мажбуриятни муддатидан олдин бажарилишига ҳисса қўшиш — бизнинг бурчимиздир.

Биз коммунистик меҳнат мусобақасининг барча иштирокчиларини, шунингдек барча ишчилар, инженер ва техниклар, фан ходимларини халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техника прогрессини янада жадаллаштиришга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришга чақирамиз.

Бизда ҳали ҳам барча корхоналар бир меёрда ишламаётир, ҳамма топшириқни уддалаяпти деб бўлмайди. Буни унутмаслигимиз керак. Бошқа бригада ва ишчиларга ҳам улуғ номни ва муқаддас ҳуқуқни қўлга киритишларида ёрдам кўрсатиш коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларининг бурчидир. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!

Биз коммунистчасига ишлаш ва яшаш учун сўз берган кишиларга, областимизнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қиламиз: эришилган ютуқлар билан чекланиб қолманг, камчиликларга, турғунлик ва хотиржамлик ҳолларига муросасиз бўлинг. Олдинга қараб интилмаган, бир жойда тўхтаб тураберган киши албатта орқада судралиб қолади.

Биз коммунистик меҳнат мусобақасининг қатнашчиларига мурожаат қиламиз: мусобақада формализм, шаблон, расмиятчилик элементларининг бўлишига йўл қўймангиз.

Келажак кишиси бугун тарбияланади! У ишлаб чиқаришда, станок ёнида, иш ўрнида тарбия олади.

Ҳар бир цех, бригада, участка коммунистик тарбия мактаби бўлиши керак.

Коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашаётган ҳар бир киши билимларни эгаллашда, ишлаб чиқариш малакасини оширишда, маданий-техник савиясини ўстиришда қунт ва чидам билан иш олиб бориши керак.

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларининг бурчи коммунистик ахлоқни мужассамлантириш учун ҳормай-толмай курашиш, коммунистчасига ўқиш, ишлаш ва яшашни ўрганишдан иборат.

Қадрли ўртоқлар!

Биз, область кенгашининг қатнашчилари, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа меҳнаткашлари — сизларга мурожаат қиламиз. Келажак разведкачилари сафларини тўлдиринг, ўз ижодий меҳнатингиз билан коммунизм ғалабасини яқинлаштиринг.

Қадрли ўртоқлар! Биз коммунистик партия ва унинг синалган ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитетининг доно раҳбарлиги остида яшаб меҳнат қилаётганлигимиз билан бахтиёрмиз. Бу — янги муваффақиятларимизнинг гаровидир.

Етти йиллик планини муддатидан илгари амалга ошириш учун курашга бутун кучимизни сарфлайлик.

Коммунистик меҳнат ҳаракатини умумхалқ ҳаракатига айлантирамиз, Ватанимизнинг янада қудратли, турмушимиз янада гўзал ва бахтиёр бўлиши учун бутун куч ва қувватимизни аямаймиз!

МУРОЖААТ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЗАРБДОРЛАРИ МУСОБАҚАСИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ЭТИЛГАН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Тошкент области составида Бекобод районини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область (қишлоқ) Совети ижроия комитетининг илтимоси қондирилсин — Тошкент области составида марказ Бекобод шаҳрида бўлган Бекобод райони тузилсин.

Бўка районидаги 1-Далварзин, 2-Далварзин, Бекобод, Қиёт, Калинин номли, Пушкин номли ва Чаноқ қишлоқ Советларининг территориялари Бекобод райони составига берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ

1963 йил, 17 апрель
Тошкент шаҳри.

КАТТА МУВАФФАҚИЯТ

Ўзбекистон ССРнинг тез ўсиб бораётган индустрияси КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашда янги муваффақиятларга эришди. Республика саноатининг давлат планини бажариши якунлари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг ахборотида ана шу ҳақда айтилган.

Биринчи квартал плани саноат маҳсулотининг умумий ҳажми жихатидан 104 процент, шу жумладан Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналар бўйича 104 процент бажарилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1962 йил I кварталидагига нисбатан 8,7 процент, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналар бўйича эса 8,3 процент кўпайди. Ўзбекистоннинг ҳамма областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри саноати планни бажарди.

Меҳнат унумдорлиги 1962 йил I кварталидагига нисбатан тўрт процент ошди.

Шу билан бирга, дейилади ахборотда республика саноати ишида камчиликлар ҳам рўй берди. Цемент, куч трансформаторлари, центробеж насослар, трактор сеялкалари, олтингугурт кислотаси, шойи газлама ишлаб чиқариш квартал плани тўла бажарилмади. Баъзи корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ўзлари учун белгиланган планни бажармадилар. (ЎзТАГ).

Экиш эҳтиёжида

ОБЛАСТЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 18 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Бошқармалар	Бир кунлик ўсиш	Ҳаммаси бўлиб	Шу жумладан: Квадрат-уялаб экиш	Шу жумладан: Аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан экиш
Ўрта Чирчиқ	6,6	89,3	66,9	47,3
Юқори Чирчиқ	7,6	85,7	52,2	—
Оққўрғон	3,6	84,6	80,0	71,8
Янгийўл	4,7	81,0	79,1	32,2
Калинин	3,0	79,5	35,9	7,2
Бўка	4,9	68,2	56,8	23,0
Бекобод	6,0	51,2	35,4	0,5
Жами	4,3	76,0	60,5	32,8

ИЛМИЙ БИЛИМЛАР—ҚИШЛОҚҚА

Ўзбекистон илмий текшириш муассасаларининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг олимларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига бир группа олимлар—қишлоқ илмий-техника жамияти аъзоларининг мурожаати

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бир группа олимлар — қишлоқ хўжалик илмий-техника жамияти аъзоларининг ташаббусини ва уларнинг барча қишлоқ хўжалик илмий текшириш муассасалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари олимларига, республика қишлоқ хўжалиги мутахассисларига мурожаатини маъқуллади. Ўзбекистон КП Марказий Комитети олимлар ва мутахассисларнинг ишида жамоатчилик асосларини ривожлантиришнинг аҳамиятини таъкидлаб, республика, область газеталари ҳамда ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг газеталари редакцияларига қишлоқ ижодий бирлашмаларининг фаолиятини мунтазам ёритиб боришни таклиф қилди.

Қадрли ўртоқлар! Партия XXII съезди, КПСС Марказий Комитети март ва ноябрь Пленумлари тарихий қарорларидан руҳланган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1963 йилда Ватанимизга 3 миллион 566 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Республика колхоз ва совхозлари, шунингдек давлатга 206 минг тонна дон, 235 минг тонна канап пояси, 15 минг тонна пилла, тирик вазнда 183 минг тонна гўшт, 348 минг тонна сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан кўплаб сотишга аҳд қилдилар.

Бу вазифани амалга оширишга олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, илмий текшириш муассасаларининг, олий ва ўрта ўқув юртларининг, тажриба далалари ва станцияларининг ҳамма ходимлари ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати биздан, қишлоқ хўжалик фани ходимларидан уруғчилик ва селекция ишларини яхшилашни, қишлоқ хўжалик экинларининг янги, серҳосил навларини яратишни, хайвонларнинг тез етиладиган ва сермаҳсул зотларини вужудга келтиришни, наслчилик ишини яхшилашни, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш йўллари ва усулларини, деҳкончилик системасини такомиллаштиришни, қишлоқ хўжалигида химиялаш, электрлаштириш ва автоматлаштиришни олга силжитишни, ирригацияни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялашни ривожлантиришни, янги, мукаммалроқ қишлоқ хўжалик машиналари яратишни, хўжалик ҳисоби ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксак унумли килиб бошқаришнинг бошқа усулларини жорий этишни талаб қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари, халқ хўжалигига ва фанга раҳбарликнинг кайта қурилиши илмий муассасаларимизга, ана шу проблемаларга ўз кучларини ҳар қанчонгидан ҳам кўпроқ қаратиш имконини берди.

Фан ютукларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш манфаатлари илмий марказларнинг жойларда ишнинг ахволига доимий таъсир кўрсатиб туришини талаб қилади. Қишлоқ хўжалик фани вакиллари қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг маданий-техника даражасини янада юксалтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак.

Никита Сергеевич Хрушчев олимлар ҳаётга ва қишлоқдаги ишга яқинроқ бўлишлари зарурлигини, қишлоқ меҳнаткашлари билан бевосита алоқада бўлиш олимнинг кандай ишлаётганлигини кўрсатиб туришини, худди бундай алоқа уларга деҳкончиликнинг ҳайдаладиган ҳар гектар ер ва сарфланган меҳнат ҳисобига кўпроқ маҳсулот берадиган прогрессив системасини ишлаб чиқишда олдинги марраларни эгаллашига имкон беришини кўп марта таъкидлаб ўтди.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик кайта қурилган, колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари ташкил этилган, қишлоқ хўжалик фани эса ишлаб чиқаришга яқинлаштирилган ҳозирги пайтда илмий марказларнинг ишлаб чиқариш билан доимий ва мустаҳкам алоқада бўлиши учун янги катта имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-техника жамияти ва Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг партия комитети якинда икки йиллик қишлоқ хўжалик билимлари университети очди. Университет жамоатчилик асосида иш олиб боради. Университет ишлаб чиқариш бошқармаси ҳузурида жойлашган. Унда пахтачилик, чорвачилик ва лубкорлик факультетлари бор. Бутуниттифоқ пахтачилик институти ва чорвачилик илмий текшириш институти олимлари университет ишига жалб қилинди. Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу ишга зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Кўпгина кишилар университетга кириш истагини билдирдилар.

Ўрта Осиё Суғориладиган деҳкончиликни электрлаштириш ва механизациялаш институти бу тажрибага таяниб Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси ҳузурида ана шундай университет ташкил қилмоқда. Халқ хўжалиги институти ва Қишлоқ хўжалик институти Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси ҳузурида. Экономика ва қишлоқ хўжалигини ташкил этиш институти Янгиариқ бошқармаси ҳузурида, Пиллачилик институти Андижон бошқармаси ҳузурида, Сабзавот, полиз экинлари ва картошка институти ҳамда Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг сабзавотчилик кафедраси Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Партия XXI съезди» совхози ҳузурида, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти Янгиер ишлаб чиқариш бошқармаси ҳузурида жамоатчилик асосида ишловчи қишлоқ хўжалик билимлари университети ташкил этмоқда.

Фан ютукларини пропаганда қилиш ва практикага жорий этишда олимлар, мутахассислар, қишлоқ хўжалик новаторлари иштирокининг бошқа формалари ҳам вужудга келди. Колхозларда, совхозларда, ишлаб чиқариш бошқармалари ҳузурида жамоатчилик асосида 30 дан ортиқ иқтисодий анализ бюроси ташкил этилди. Бундай бюролар, жумладан, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», 1-«Бойвут», «Фарҳод» совхозларида муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Биз илмий текшириш институтларининг, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг барча олимлари ва мутахассисларини бу ташаббусни қўллаб-қувватлашга, республиканинг ҳамма областларида ишлаб чиқариш бошқармалари ҳузурида жамоатчилик асосида ишлайдиган университетлар ва институтлар ташкил этишга, пахтакор механизаторлар, маккажўхорикорлар, чорвадорлар, химизаторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ҳамда семинарлари ишида актив иштирок этишга, колхоз ва совхозларда жамоатчилик асосида иқтисодий анализ бюролари ташкил этишга ҳамда жамоатчилик асосида иш олиб боришнинг бошқа формаларидан фойдаланишга чақирамиз.

Жойларда тез-тез бўлиб туриш, агротехниканинг, планлаштиришнинг, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва химиялаштиришнинг илғор усулларини жорий этишда ёрдам кўрсатиш, рационализаторлик ва кашфиётчиликни ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш ҳар бир олим ва мутахассиснинг бурчидир. Илғор тажрибаларни умумлаштириш, фан ютукларини матбуотда, радио ва телевидение орқали содда ва тушунарли тарзда пропаганда қилиш бизнинг бевосита бурчимиз ва виждон олдидаги ишимиздир.

Республиканинг барча меҳнаткашлари каби Ўзбекистон олимлари ҳам КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахта харид ва топшириш нархларини ошириш тўғрисидаги қарорини зўр коникиш билан кутиб олдилар. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг мурожаатидаги партия ғамхўрлигига жавобан пахтачилик ва ишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин юксалтириш учун юриш бошлашга даъват этувчи чақиригига Ўзбекистон олимлари ҳам тўла қўшиладилар. Бу катта умумхалқ ишига олимлар амалий ёрдам кўрсатадилар.

БИР ГРУППА ОЛИМЛАР — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИ.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети меҳнаткашларнинг истакларини назарга олиб, дам олиш кунини 1963 йил 28 апрель якшанба кунидан 30 апрель сешанба кунига кўчиришга қарор қилди.

В. И. Ленин туғилган куннинг 93 йиллиги олдидан

БУЮК ҒАМХЎРЛИК

Коммунистик партиянинг, дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Ленин Туркистонда Совет ҳокимиятининг ғалабасини таъминлаш ва уни мустаҳкамлашда Россиянинг бошқа халқлари қатори Туркистон халқларига ҳам оталарча ғамхўрлик кўрсатди.

Ленин тасдиқлаган «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси», «Россия ва Шарқдаги барча мусулмон меҳнаткашларига Мурожаат» каби ҳужжатларда Совет ҳокимиятининг миллий сиёсат соҳасидаги асосий принциплари эълон қилинди. Совет ҳокимиятининг бу дастлабки ҳужжатларида революция даҳоси Россиянинг барча халқларини, жумладан, Туркистон халқларини ҳам янги озод ҳаёт қуришга даъват этди.

В. И. Ленин Туркистон халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига доимо катта қизиқиш билан қараган. У Туркистон республикасининг Халқ комиссарлар Советига 1918 йилнинг 23 июлида радиограмма юбориб, унда «Тошкент ва Туркистон ўлкасининг сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳақида хабар беринг. Доимо хабар бериб туриш керак. Москва. Халқ Комиссарлар Совети», деб ёзган эди.

Революциянинг ички ва ташқи душманлари гражданлар урушини бошлаб юборган даврда Ленин Туркистонга алоҳида аҳамият берди, унинг халқларига моддий ва маънавий мадад берди. Даҳонинг кўрсатмасига мувофиқ 1918 йил июнь ойида Туркистонга 100 вагон буғдой ва 15 вагон сули юборилди.

1918 йилнинг 15 июлида Туркистон Халқ комиссарлар Советининг раиси Колесов пул, қуроллар ва қўшин билан ёрдам берилишини сўраб В. И. Ленинга радиограмма орқали мурожаат қилди. Владимир Ильич Туркистоннинг ҳарбий жиҳатдан оғир аҳволда қолганлигини ҳисобга олиб, шу йилнинг 17 июлида Колесовга шундай хабар берди: «Сизга ёрдам бериш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Полк юборамиз...»

1919 йилнинг август ойида буюк даҳонинг таклифи билан Туркистон фронти ташкил қилинди, фронт қўмондони қилиб М. В. Фрунзе, Революцион ҳарбий Совет аъзоси қилиб В. В. Куйбишев тайинланди. В. И. Ленин Туркистон фронти олдига «Оренбург тикинини» тезликда тугатиш ҳамда Туркистонни марказ билан бирлаштириш вазифасини қўйди. 1919 йилнинг 13 сентябрида бу вазифа бажарилди — 1-Армия қўшинлари Туркистонга келди.

Шундан сўнг кўп ўтмай, 1919 йилнинг 8 октябрида В. И. Ленин ташаббуси билан Туркистон ишлари бўйича комиссия (Турккомиссия) тузилди. Унинг составида партиянинг атоқли арбоблари Ш. З. Элиава (раис), М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Г. И. Бокий, Ф. Я. Голощчекин, Я. Э. Рудзутак ўртоқлар бор эди.

Туркистондаги партия ташкилотларини ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун бу ташкилотларга жиддий ёрдам кўрсатиш зарур эди. Туркистонда пролетариат сон жиҳатдан кам эди. Бу ўлка Россия марказидан анча узоқда жойлашган эди. Ана шуларнинг ҳаммаси Туркистонга махсус комиссия юборилишини тақозо қиларди.

Турккомиссия фаолиятининг асосий йўналиши Бутуниттифоқ Ижроия қўмитети ва Халқ комиссарлар Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссия тузиш ҳақидаги 1919 йил 8 октябрда чиқарган қарорида белгилаб берилган. В. И. Ленин қўл қўйган бу қарорда: «Туркистон халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва ҳар қандай миллий тенгсизликни ҳамда бир миллий гуруҳнинг бошқаси ҳисобига устун туришини йўқотиш — Россия Совет ҳукумати ўтказаётган бутун сиёсатнинг асосини ташкил этади ва унинг органлари ишларида асосий қоида бўлиб хизмат қилади» деб кўрсатилган эди.

Владимир Ильичнинг 1919 йил ноябрида ёзган «Туркистонлик коммунист ўртоқларга» номли хати Туркистон комиссиясининг амалий иши учун программа сифатида хизмат қилди. Бу хатда «Туркистон халқлари билан тўғри муносабатлар ўрнатилиши ҳозир Россия Социалистик Федератив Совет республикаси учун, ҳеч муболағасиз жуда катта, оламшумул-тарихий аҳамиятга эгадир» деб уқтирилган эди.

Туркистон Коммунистик партиясининг биринчи ўлка конференцияси (конференция 1920 йилнинг 20—27 январида Тошкент шаҳрида ўтказилган) даҳонинг бу хатини миқоқама қилди ва унга табрик телеграммаси юборди: «Сизнинг бизларга, Туркистон коммунистларига мурожаат қилиб ёзган хатингиз бизнинг бу ерда, Шарқда ўтказаётган бутун сиёсатимиз учун бош қўлланма».

В. И. Ленин Туркистоннинг иқтисодий ривожланишига, айниқса ирригация қурилишига катта эътибор берган. Унинг декрети билан Туркистонда суғориш ишларини олиб бориш ва уни ташкил этиш учун 50 миллион сўм маблағ ажратилди. Декрета Мирзаўйлининг 500 минг десятина ерини суғориш, Далварзин чўлининг 40 минг десятина майдонини сув билан таъминлаш учун ирригация системасини бош иншоотлар билан таъминлаш ва ҳоказо тадбирлар кўзда тутилган эди. Бу тадбирларни амалга ошириш мақсадида Туркистонда ирригация ишлари бўйича махсус бошқарма тузиш зарурлиги ҳам декретда айтилган.

Ленин Туркистонда пахтачиликнинг ривожланишига алоҳида аҳамият берган. У 1920 йилнинг ноябрь ойида Туркистон ва Озарбайжонда пахтачиликни қайта тиклаш тўғрисидаги иккита қарорни тасдиқлади. Владимир Ильич ана шу қарорлардан бирида пахтакорларни озиқ-овқат ва кенг истеъмол моллари билан таъминлаш зарурлигини алоҳида уқтиради.

В. И. Ленин Туркистонда маданият ва маорифнинг ривожланиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилди. Унинг декрети билан 1920 йилда Туркистон давлат университети ташкил этилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати В. И. Ленининг доно кўрсатмаларига амал қилиб келмоқда. Ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши, мамлакатни индустриалаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш натижасида Ўзбекистон чор Россиясининг чекка ўлкасидан иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалган республикага айланди.

И. АЛИМОВ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Архив бошқармаси илмий ахборот ва ҳужжатларни эълон қилиш бўлимининг бошлиғи.



В. И. Ленин Обуҳов заводининг ишчилари олдида нутқ сўзламоқда (1917 йил).

(РСФСР да хизмат кўрсатган санъат арбоби П. Васильев чизган сурат).

ТАСС фотохроникаси.

ХЎЖАЛИКНИ БОШҚАРИШНИНГ ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПЛАРИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулк қарор топиб, социализмга хос иқтисодий қонунлар амал қила бошлади. Шулардан бири — халқ хўжалигини планли, пропорционал ривожлантириш қонунидир.

Халқ хўжалигини бошқариш ва уни планлаштириш масаласи дастлаб В. И. Ленин томонидан илмий асосда ишлаб чиқилган. Ленининг Апрель тезисларида кўрсатиб ўтилган ишчи контроли хўжалигини планлаштириш ва бошқаришнинг дастлабки формаси ҳисобланади. Завод-фабрика комитетлари ҳузурида тузилган ишчи контроли капиталистик элементларнинг бузғунчилик ҳаракатларига қарши кураш олиб бориш билан бирга, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ишлаб чиқаришдан маҳсулотларни тўғри тақсимлаш масалалари билан ҳам шуғулланди.

Ишчи контроли ҳақидаги низом 1917 йил 27 ноябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети томонидан қабул қилинди. Ишчи контролининг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқариш воситаларини национализация қилишга тайёргарлик кўришдан иборат эди. В. И. Ленин кўрсатмасига асосан ва РСФСРда ташкил қилинган ишчи контролининг ижобий иш тажрибаларига таяниб, Туркистон АССРнинг IV Ўлка Советлар съезди ҳам 1918 йил январь ойида саноат ишлаб чиқариши устидан ишчи контролини жорий қилди. Кейинроқ эса саноат, транспорт, алоқа воситалари, банкларни национализация қилиш, тащқи савдони давлат монополиясига олиш, яъни шуларнинг ҳаммасини умумхалқ мулкига айлантириш, уларни идора қиладиган махсус илий орган зарурлигини кўрсатди. Шундай орган сифатида ВСНХ (Халқ Хўжалиги Олий Совети) ташкил қилинди.

Ленин ўзининг Халқ Комиссарлари Совети фаолияти ҳақида Советларнинг Бутунроссия III съездида қилган докладида ишчи контролини ўрнатишнинг ғоят катта аҳамиятини алоҳида кўрсатиб ўтди. Банклар ва темир йўлларнинг национализация қилиниши янги социалистик хўжаликни қуришга қиришиш имкониятини яратиб беришини уқтирди. Социалистик мулк майдонга келиши билан халқ хўжалигини планли бошқариш ташкил қилинди. Марказий ва маҳаллий иқтисодий органларнинг фаолиятига раҳбарлик кучайтирилди.

Аммо Октябрь революциясидан кейин империалистик давлатларнинг ҳарбий интервенцияси ва ички контрреволюциянинг бош қўтариши натижасида барча куч ва воситаларни мамлакат мудофаасига сафарбар қилишга тўғри келди. Ҳарбий интервенция ва ички контрреволюция тор-мор келтирилгач, Совет давлати ўз диққат-эътиборини яна халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга қаратди. Шу муносабат билан 1920 йил охирларида ишчи-деҳқон мудофаа Совети меҳнат мудофаа Совети (СТО)га айлантирилди.

Халқ хўжалигидаги оғир аҳволни тезда яхшилаш учун тиклаш ва ривожлантириш зарурияти барча иқтисодий органлар ишини бир-бирига боғлаш, маҳаллий органларнинг ташаббусини кенг ёйиш, барча резерварларни ишга солишни тақозо қиларди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин ташаббуси билан экономикани бошқаришнинг маҳаллий органлари ҳақидаги масала кенг муҳокама қилинди ҳамда жойларда иқтисодий кенгашлар ташкил қилиш ва улар ёрдамида тезда халқ хўжалигини тиклаб олиш учун барча кучларни сафарбар қилиш лозимлиги кўрсатилган қарор қабул қилинди.

Улуғ доҳимиз 1921 йили халқ хўжалигини тиклаш ва унинг барча тармоқларини координация қилиш учун иқтисодий кенгашлар ташкил қилиш ҳақида СТОнинг наказини имзолади. Наказда: «Барча иқтисодий вазифалар билан шуғулланадиган маҳаллий органлар ишини бир-бирига мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориш учун ҳамма жойда иқтисодий кенгашлар тўғисиб турилсин.. Маҳаллий иқтисодий кенгашлар СТО типида ташкил қилиниши керак ва СТО Халқ Комиссарлари Советига нисбатан қандай муносабатда бўлса, маҳаллий иқтисодий кенгашлар ҳам маҳаллий ижроия комитетларига нисбатан худди шундай муносабатда бўлишлари керак» дейилган эди. РСФСР Марказий Ижроия Комитетининг 1921 йил 30 июндаги қарори билан область, волость ва қишлоқларда иқтисодий кенгашлар ташкил қилиш қонунлаштирилди.

Миллий республикаларда иқтисодий кенгашлар ташкил қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга эди. Чунки ҳарбий интервенция ва гражданлар уруши даврида уларнинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб қолган эди. Масалан, Туркистон АССРда экин майдонларининг қарийб ярми, кўпчилик корхоналар деярлик ишдан чиққан эди. Шунинг учун ҳам республика халқ хўжалигини тезроқ тиклаш мақсадида барча хўжалик тармоқлари фаолиятларини бир-бирига боғлаб координациялаштиради ган ва планлаштирадиган олий хўжалик органини тузиш зарур бўлиб қолди. Туркистон АССРнинг VIII Советлар съезди В. И. Ленин кўрсатмасига амал қилиб, Туркистон иқтисодий кенгаши (ТЭС)ни ва унинг ҳузурида план комиссиясини ташкил қилди.

1924 йили эса Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилганлиги натижасида СССР составига қўшилган суверен миллий республикалар вужудга келди. Шу муносабат билан СССР Меҳнат Мудофаа Советининг Ўрта Осиё вакиллиги ташкил қилинди. Кейин, 1926 йили Ўрта Осиё республикаларининг миллий иқтисодий хусусиятлари назарга олиниб, Меҳнат Мудофаа Совети Ўрта Осиё вакиллиги ўрнига СССР Министрлар Совети ҳузурида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ташкил қилинди ва у 1934 йилгача ўз ишини давом эттирди.

КПСС ўз раҳбарлик фаолиятида, халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда улуғ Ленин таълимотларига ҳамиша амал қилиб келмоқда, ленинча демократик принципларни тиклаб, бу принципларни социализмдан коммунизмга ўтиш даврига мувофиқ суратда ижодий ривожлантирмоқда.

Йирик иқтисодий районларда Халқ Хўжалиги Кенгашлари ташкил қилинганлиги, маҳаллий органлар ва кенг меҳнаткашлар оммасининг ташаббуси кучайтирилиб, раҳбарлик ишлаб чиқаришга бевосита яқинлаштирилганлиги, ишлаб чиқариш бошқармалари тузилганлиги ва улар хўжалик ишлари билан тобора чуқурроқ шуғулланаётганликлари шундан далолат беради.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг ленинча кўрсатмаларини ижодий ривожлантиришда ва КПСС XXII съезди қарорларини амалга оширишда Марказий Комитетнинг 1962 йил март ва ноябрь ойларида ўтказилган Пленумлари айниқса катта аҳамият касб этади. Март Пленуми социалистик халқ хўжалигининг муҳим тармоғи ва коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришнинг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигини бошқариш ва унга раҳбарликни такомиллаштириш каби ғоят муҳим масалани муҳокама қилди.

Марказий Комитетнинг ноябрь Пленуми эса СССР экономикасини ривожлантириш ва халқ хўжалигига партия раҳбарлиги ҳақидаги масалани қараб чиқди. Хўжаликни бошқариш, уни планлаштириш ва раҳбарлик қилишнинг ленинча принциплари ҳамда нормаларини коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган шароитга мослаб ижодий ривожлантирди. Шу мақсадда халқ хўжалиги устидан партия раҳбарлиги ишлаб чиқариш принципи асосида қайта ташкил қилинди.

Ноябрь Пленуми социализмдан коммунизмга ўтишнинг муҳим шартларидан бўлган меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириш учун ишлаб чиқаришни янада йириклаштириш зарурлигини, хўжалик ишлари устидан партия ва халқ контролини кучайтиришни асосий масалалардан қилиб қўйди.

Ўрта Осиёдаги қардош республикаларнинг қарийб бир хилдаги табиий шароити, саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқларининг ўхшашлиги эътиборга олиниб Ўрта Осиё иқтисодий райони ва унинг органлари ташкил қилинди. Бу эса ана шу республикаларнинг экономикаси ва халқ хўжалигининг янада гуркираб ривожланишини таъминлайди.

Хўжаликни бошқариш ленинча принципларининг ривожлантирилиши совет халқининг коммунистик жамият қуришдан иборат улуғвор вазифани муваффақиятли равишда бажаришида муҳим роль ўйнайди.

Н. ИБОДОВ.

«ЎРНИМИЗ ОЛДИНГИ САФДА»

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БРИГАДАЛАРИ ВА ЗАРБДОРЛАРИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИ

Келажак разведкачилари номини олиш учун Ватанимиз бўйлаб олижаноб ҳаракат бошланганига беш йил бўлди. Бу ватанпарварлик ташаббуси шунчалик тез ва кенг қулоч ёйдики, эндилиқда коммунистик меҳнат бригадаси ёки зарбдори бўлмаган бирон саноат корхонаси, транспорт ва қурилиш ташкилотини топиш амримаҳол.

Ҳозирги вақтда областимизда 8200 бригада, 240 корхона, 914 цех ва участка, 32 мингга яқин зарбдор коммунистик меҳнат ҳаракатига қўшилган. Областимизнинг бир ярим мингдан ортиқ энг яхши ўғил ва қизи Валентина Гаганова ташаббусига қўшилиб, қолоқ участкага ишга ўтди ва уни пешқадамлар даражасига етказиб олди.

Кенгашда «Коммунистик меҳнат ҳаракатининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари» тўғрисида доклад қилган Ўзсовпроф секретари, саноат бюроси раиси ўртоқ А. В. Браилов шулар ҳақида тўхталди.

— Шу неча-кундузда барча совет кишилари сингари областимиз меҳнаткашларининг ҳам бутун фикри-ёди КПСС XXII съезди ҳамда партия Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини амалга оширишга қаратилган. Саноатимиз етти йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этмоқда. 1962 йилда планга қўшимча бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йили саноат корхоналарида 1200 та махсус автомат агрегат ва ярим автомат станок ўрнатилди, 3 минг 500 дан ортиқ технологик асбоб-ускуна модернизация қилинди. Мана шу муваффақиятларни коммунистик қурилишнинг олдинги сафларида борааётган келажак разведкачиларининг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Докладчи партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленумидан кейин коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларининг ижодий активлиги ғоят ўсганлигини таъкидлайди. Фойдаланилмаётган резерварлни излаб топиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархни камайтиришга қаратилган янги ташаббуслар туғилди. «Ташсельмаш» заводи коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари В. Мельников оширилган норма олиб ишлаш ҳаракатини бошлаб берди. Тошкент экскаваторчилари маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат сарфини кескин камайтириш ҳақидаги таташаббусининг байроқдори бўлдилар.

— Айрим корхоналарда коммунистик меҳнат ҳаракатининг иштирокчилари етарли қўллаб-қувватланмаётир, — давом этади докладчи. — Масалан, «Узбексельмаш» заводида (директори ўртоқ В. Терентьев) барча ишчиларнинг ўндан бир қисмигина бу ҳаракатга қўшилган.

Тошкент экскаватор заводи токари, коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари ўртоқ Р. Йўлдошев музонарада биринчи бўлиб сўз олади. У бригада аъзоларининг Татьяна Кардаш ҳаракатига қўшилиб, етти соатлик ишни олти соатда бажариб, қолган вақт ичида қўшимча маҳсулот тайёрлаётганликлари ҳақида гапиради.

— Заводимиз техника ютуқлари бошлаган ташаббуслар биз, ишчилар ҳам четда қолмадик. Ҳозир корхонамизда ҳар бир ишчи экскаватор тайёрлашга кетадиган меҳнат сарфини камида 3—5 минутга қисқартиш учун ижодий изланмоқда.

«Чирчиксельмаш» заводи партия комитетининг секретари Ўртоқ В. Липилин ўз корхонаси миқолида коммунистик меҳнат ҳаракатини бошқариш тажрибаларини айтиб берди. Бу заводда коммунистик меҳнат штаби ташкил этилган. Штаб аъзолари ҳар ойда бир марта мусобақа якунларини кўриб чиқадилар, бошқа корхоналарда бошланган ташаббусларни оммалаштирадилар.

— Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларининг ўрни — олдинги сафда,— «Ташавтомаш» заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ И. Луньянов сўзини шундан бошлади,— юқори меҳнат унумдорлиги учун нураш, ишда, ўқишда ва турмушда барчага намуна бўлиш ҳар бир коммунистик меҳнат ҳаракати иштирокчисининг фазилатидир. Ленин бу ҳаракатга бир ёқламалик, формалистик қараш ярамайди. Заводимиз ҳозир коммунистик меҳнат корхонаси деган улуғ ном учун астойдил нурашмоқда. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси буни яхши тушунади, шу боисдан ҳарним улуғ номни тезроқ қўлга киритиш ҳақида жон куйдирмоқда.

Чирчиқ электрохимия комбинатининг аппаратчиси М. Дьячкова, Бенободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводи прокат цехи коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси В. Климов ўртоқлар ўз нутқларини нишларда коммунизм қурувчиси ахлоқ кодекси принципларини шакллантириш масаласига бағишладилар.

Оҳангарондаги 9-шахта участкасининг бошлиғи ўртоқ В. Бочарёв шундай деди:

— Коммунистик меҳнат ҳаракати янги босқичга кирди. Эндиликда коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларидан топшириқни ортиғи билан адо этиш, ўқишда, турмушда ўрнак кўрсатишнигина эмас, балки техникадан унумли фойдаланиш, ташаббускор бўлиш, ижодий изланиш олиб боришни ҳам талаб этиш зарур.

Кенгаш охирида Узбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг иккинчи секретари ўртоқ М. А. Зондов нутқ сўзлади. Кенгаш иштирокчилари область меҳнаткашларига қарата Мурожаат қабул қилдилар.

Кенгаш ишида Узбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг биринчи секретари П. В. Кайманов, Ўзсовпроф раиси С. Н. Нуриддинов ўртоқлар қатнашдилар.

Т. МИРҲОДИЕВ.

ПОЛЬШАЛИК ДЎСТЛАР СОВҒАСИ

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 93 йиллиги арафасида польшалик дўстлар украин халқига ажойиб совға инъом қилдилар: улар «Ленин Польшада» деган темадаги виставкани олиб келиб, уни В. И. Ленин Марказий музейининг Львов филиалидаги катта залларда намойиш қилдилар. Бу виставкада Владимир Ильич Лениннинг Краков ва Поронинода яшаган даврини нўрсатувчи материаллар, Ленин идеялари ва меҳнаткашларининг қалбидан чуқур жой олганлигини, уларга революцион кураш йўлини ёритиб берганлигини, халқ давлатини қуришда ёрдамлашганлигини акс эттирувчи материаллар кўргазмага қўйилган.

Польша Халқ Республикасининг Москвадаги элчиси Болеслав Яшчук Польша Бирлашган ишчи партиясининг Марказий Комитети номидан виставкани очиб сўзлаган нутқида бундай деди:

—Львовдаги бу виставка ҳозир поляк ва украин халқларини биргалиқда олиб борилаётган нурашда ва меҳнатда бирлаштириб турган ғоявий қардошлиннинг шоҳиди бўлсин.

Тантанали маросимдан сўнг меҳмонлар ва тўпланган жуда кўп кишилар виставка экспозициясини томоша қилдилар. Виставканинг беш бўлимида тарихий ҳужжатлар, сиёсий плакатлар, Польша рассомлари бадиий графикаси, Лениннинг Польшада нашр этилган асарлари кўргазмага қўйилган.

Ленин ва унинг ўртоқлари Белий Дунаецдаги Тереза Скупеннинг уйида ва Поронинодаги Павел Гутанинг уйида партия кенгашларини ўтказган эдилар. Шу уйларнинг фотографиялари ҳам кўргазмага қўйилган. Виставкадаги бошқа ҳужжатлар Лениннинг Австрия маъмурлари қамоқка олганлигини, унинг турмада ётганлигини ва жамоатчилик уни озод қилиш учун кенг кампания олиб борганлигини тасвирлайди.

И. ДОСЕНКО

С. ДРАКОВ.

(ТАСС мухбирлари).

Львов, 16 апрель.

ТАШАББУСКОР

Коммунист Алексеев билан партком секретари ўртасида бўлган суҳбат анчага чўзилди. Партком секретари кўпгина нарсаларни блокнотига ёзиб олди ва:

— Гапларингиз диққатга сазовор. Талабингизни бажариш учун барча чораларни кўрамиз,— деди.

Орадан бир неча кун ўтди. Партком секретари В. П. Зима ўз кабинетига завод директорини таклиф қилди. Алексеевнинг сўзларини бирма-бир айтиб берди:

— Мен,— деди у,— арматура цехининг иши билан батафсил танишиб чиқдим. Ишчилар билан гаплашдим. Мутахассисларнинг фикр ва мулоҳазаларини олдим. Алексеев ҳақ. Цехнинг имконини ҳисобга олмай туриб план берямиз. Цех жуда тўрлик қилиб қолибди. Ҳатто тайёрланган деталларни қўйишга ҳам жой йўқ. Чиқиндилар уюлиб ётибди.

Коммунистнинг таклифи раҳбарларга маъқул тушди. Орадан кўп вақт ўтмасдан арматура цехи қайта қурилди. 14 миллиметр йўғонликдаги симни тўғрилаб кирқадиган қайчи, нуқталаб пайвандлайдиган аппаратларнинг ўрнатилиши ишчиларга катта қулайликлар туғдирди. Иш унумини оширди. Маҳсулот ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди. Цех илғорлар қаторидан ўрин олди.

Арматура цехининг бошлиғи Алексей Николаевич Алексеев ташаббускор коммунист. Унинг бутун куч ва ғайрати ишлаб чиқаришни яхшилашга қаратилган. Камчиликларга нисбатан муросасиз. Янгиллар тарафдори. Қурилиш плиталарига сим ишлатишда кўпгина исрофгарчиликка йўл қўйилди. Алексеев бунга тоқат қилиб турااолмади. Қолиб кетган симлардан фойдаланиш ҳақида таклиф киритди. Бу кўпчиликка маъқул тушди. Ҳозир ана шу чиқинди симлар ҳисобига ҳам бир неча минг сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётир.

Коммунист Алексеев бошлиқ арматура цехининг ишчилари кун сайин яхши ишламоқдалар. Цехда смена топшириғи 120—130 процентдан бажарилмоқда.

И. ЗИМИН

«Узоргтехстрой» трестига қарашли темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш эксперименталь заводи.

ШТАТСИЗ ИНСТРУКТОР

Бу воқеа ҳали ҳам эсимда. Райком секретари билан гаплашиб ўтиргандик. Кабинетга бир киши кириб келиб қўлидаги қоғозни унга узатди.

— Мен, — деб ёзибди у, — пенсияга чиқдим. Лекин ҳали тетикман. Куч-қувватим бор. Иложи бўлса топшириқлар бериб турсаларинг. Партия ҳаётидан узоқлашмасам.

Кекса большевикнинг аризаси секретарни ҳурсанд қилди. Унинг илтимосини албатта инобатга олажагини айтди. Орадан уч ҳафта ўтди. Бюрода Степан Михайлович Чебикин райкомнинг штатсиз инструктори қилиб тасдиқланди.

Мана. 4 йилдирки, ўртоқ Чебикин маош олмай ишлайди. Ёши 70 га етиб колди. Лекин у чарчаш нималигини билмайди. Ғайратли. Тиниб-тинчимайди. Доимо халқ билан бирга бўлишга интилади.

Кунларнинг бирида райком секретари ўртоқ Чебикинни ўз кабинетига таклиф қилиб:

— Степан Михайлович ўзинизга маълумки, айрим партия ташкилотларида хали ҳам партия аъзолигига кандидатлар тайёрлаш, партия сафига қабул қилиш кўнгилдагидек эмас. Шу сабабли сиз бошланғич партия ташкилотларига борсангиз, аҳвол билан танишиб, ишни яхшилашда бизга ёрдам берсангиз,— деди.

Шундан сўнг инструктор 2-авторемонт, «Автотрактордеталь» заводлари, республика савдо министрлиги автобазаларидаги партия ташкилотларида бўлди. Бошланғич партия ташкилоти секретарлари билан гаплашди. Кандидатлик стажларини чўзиб юбораётганлар билан алоҳида-алоҳида суҳбат қилди. Уларнинг эътиборини сиёсий ва назарий билимларини оширишга каратди. Бу иш чакки бўлмади. Партия аъзолигига кандидат қилиб қабул қилинганларга топшириклар бериб, уларни хўжалик, партия ишларига фаол қатнашишларига эришилди. Натижада бу ташкилотларда қисқа вақт ичида кўп кишi КПСС сафига қабул қилинди.

Штатсиз инструкторларнинг бир йиғилишида Степан Михайлович ўртага муҳим масалани ташлади: партия группаларининг ишини кўриб чиқиш ҳақида таклиф киритди. Ҳақиқатан ҳам бу район партия комитетининг унитган сохаларидан бири эди. Ўртоқ Чебикин каноп фабрикасини ва 1-авторемонт заводини оталикка олди.

Инструктор каноп фабрикасидаги партия группаларининг фаолиятларидан анча мамнун бўлди. Игрушчев, Трофимовалар партгруппорг бўлган йигирув цехларининг ишчилари намунали ишламоқдалар. Коммунистлар бутун куч ва эътиборларини ишлаб чиқариш планларини ошириб бажаришга қаратмоқдалар. Партия группаларининг актив иштироки билан 4 та янги йигирув машинаси монтаж қилинди. Коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи ўртоқ Шатиловнинг ташаббуси билан фабрикада машиналарнинг тезлиги 20 процентга ошди. Бошқа кўп коммунистлар ҳам ташаббус билан ишлаб, рационализаторлик таклифларини амалга оширишда талайгина ютуқларни қўлга киритдилар. Қисқа вақт ичида корхонада 60 минг сўмга яқин маблағ тежаб қолинди. Пландан ташқари бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Инструктор фабрикадаги камчиликларни ҳам аниқлади. Тўқув цехи партия группаси коллективининг галдаги вазифаларни муваффақиятли бажаришга тўла сафарбар қилабилмаган. Баъзан бу ерда станокларнинг карийб ярмиси ишламай колади. Партия группаси маҳсулотнинг таннархи учун курашмай кўйган. Меҳнат интизоми бўшашиб кетган.

Бундай камчилик авторемонт заводида ҳам мавжуд экан. Коллектив ўртасида тарбиявий ишлар етарли олиб борилмаган. Коммунистик меҳнат учун кураш кенг авж олдирилмаган. Шу сабабли завод йил бошидан бери бир меёрда ишламаяпти. Давлат плани бажарилмаётир.

Инструктор Чебикин ютуқ ва камчиликларни рўйхатга олиб чиқиш билан кифояланиб колмади. Шу билан бирга цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг ишларини йўлга қўйишда кўпгина ташкилий-оммавий тадбирларни амалга оширди. Инструкторнинг қилган иши район партия комитетида муҳокама қилинди. Бюро бу партия ташкилотларида партия-вий-сиёсий, ташкилий-оммавий ишларни яхшилаш юзасидан кенгайтирилган карор қабул қилди.

Якинда районимиздаги бошланғич партия ташкилотларининг семинари бўлди. Семинарга Степан Михайлович ҳам қатнашди. У партия группаларида ва цех партия ташкилотларининг иши ҳақида доклад килди. Докладчи фактлар асосида қилинган ишлар ва бу сохадаги вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди. Семинар қатнашчилари докладчининг сўзидан анча хурсанд бўлишди, партия группаларида ва цех партия ташкилотларига қандай раҳбарлик қилиш кераклигини янада яхши тушуниб олдилар.

Район партия комитетининг иши кўп қирралидир. Сиёсий хўжалик ва маданий масалалар соҳасида кўриладиган тадбирларнинг ҳаммасини маош олиб ишлайдиган партия аппарати ходимларининг кучи билан амалга ошириб бўлмайди. Район партия комитети галдаги вазифаларни муваффақиятли бажаришни ташкил қилишда кенг активлар оммасига таяниши керак. Ана шундагина ишнинг самараси яхши бўлади.

Районимиз территорияси жуда катта. Хўжалиги кенг тармоқли. 320 та бошланғич партия ташкилоти бор. Биздаги коммунистларнинг сони 13 мингдан ортиқ. Буларнинг кўпчилиги райкомнинг активларидир. Улар маош олмай партия ишларида фаол қатнашмоқдалар. Район партия комитетининг топшириклари сидқидиллик билан бажараётирлар.

Ана шундай оддий, камтар коммунистлардан бири бизнинг Степан Михайлович Чебикиндир. У партия ишини жондан севади. Тажрибаларини ёш партия ходимларига ўргатиш билан кифояланмайди. Шу билан бирга ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятларини оширишда уларга яқиндан ёрдам бериб турипти. Шунинг учун биз уни ҳурмат киламиз. ҳақиқий коммунист ўртоғимиз деб айтамиз. Чунки, у шундай юксак ишончни амалда окламокда.

Д. КОЗЛОВ

Тошкент шахар, Ленин район партия комитети партия хисоботи секторининг мудири.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Узбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

Михаил ШОЛОХОВ. Асарлар. Саккиз томликнинг 4-томи. Тинч дон. 504 бет. Тиражи 15.000, баҳоси 96 тийин.

Светлана СОМОВА. Шоир ҳақида достон. Бу китоб Ҳамид Олимжон ва унинг қаламкаш дўстларига бағишланган. Шукрулло таржимаси. 72 бет, тиражи 5.000, баҳоси 13 тийин.

Ф. БАЙБЕКОВА, М. СУЛТОНОВА, М. НОСИРОВА, М. ОЛИМХЎЖАЕВА. Ўзбек адабиёти. 1940—1958 йиллар. Библиография. 1080 бет, тиражи 1.000, баҳоси 1 сўм 78 тийин.

Узбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди

Л. Ф. ИЛЬИЧЕВ. Санъат халқникидир. 88 бет, тиражи 5000, баҳоси 9 тийин.

Т. А. ЖАЛИЛОВ. На страже народных интересов. 80 бет, тиражи 10.000, баҳоси 12 тийин.

Узбекистон ССР «Ёш гвардия» нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди

Тўхтасин ЖАЛОЛОВ. Олтин қафас. Муҳаббат ҳақида қисса. 40 бет, тиражи 30.000, баҳоси 5 тийин.

Х. ТЎХТАБОЕВ. Фельетондан кейин. Ҳикоялар тўплами. 84 бет. тиражи 10.000, баҳоси 10 тийин.

Моҳир тикувчи. Немисчадан Н. Тошпўлат, Р. Абдурашидов, К. Муҳаммаджон, Х. Салоҳ, А. Мулламу ҳамедовларнинг таржимаси. Кичик ёшдаги болалар учун, 20 бет, тиражи 30.000, баҳоси 26 тийин.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ГЕКТАРДА ЮЗМИНГДАН КАМ КЎЧАТ БЎЛМАСИН!

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Правда» колхозида чигит экиш қизғин давом этяпти. Моҳир механизаторларнинг баракали меҳнатлари туфайли чигит экиш тугалланай деб колди. Суратда: тракторчи Ҳаким Туёқов билан сеялкачи Эркин Ҳожиев ерга чигит қадашяпти.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

ДАЛАДА САВДО

Етти йилликнинг бешинчи йилида она-Ватанга 654 тонна сабзавот, 180 тонна картошка, 1650 тонна узум етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Дўрмон» совхози ишчиларига маданий хизмат кўрсатиш намунали йўлга қўйилган.

Совхоздаги клуб, болалар боғчаси ва яслиси, чойхона, кутубхона ишидан қишлоқ меҳнаткашлари миннатдор бўлмоқда. Деҳқонларнинг унумли ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб берилган. Иссиқ овқат туш пайтида бевосита даланинг ўзида ташкил қилиняпти. Шунингдек аванс пуллари ҳам ҳар 15 кунда мунтазам бериб турилибди.

Совхознинг 6 та бригадасида кўчма магазин ташкил қилинган.

Р. ИСМАТУЛЛАЕВ,
А. СОТИВОЛДИЕВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" Натижаларни маълум қилади

„ТОМЧИ ТОШ ТЕШАР"

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 26 март сонида босилган «Томчи тош тешар» сарлавҳали танқидий мақоласи колхоз, совхоз раҳбарлари иштиронида ўтказилган бюро мажлисида ва ишлаб чиқариш советида муҳокама қилинди. Муҳокамада «XXII партсъезд», Куйбишев, Х. Олимжон номли колхоз раҳбарлари дала ишларига раҳбарлик қилишни бўшаштириб юборганликлари, бригадалар иши устидан контроль ўрнатмай келишувчилик қилганликлари, шу сабабли далага гўнг чиқариш, техникани экишга шай қилиб қўйиш, ерларни ёввойи ўт илдизларидан тозалаш ва текислаш, ариқ-зовурларни тартибга солиш ишлари март ойида ҳам ўлда-жўлда бўлиб келаётгани газетада тўғри кўрсатилган деб қайд қилиб ўтилди. Юқорида қайд қилинган камчиликларга йўл қўйган «XXII партсъезд» колхозининг раиси Қ. Сарибоев, Куйбишев номли колхоз раиси И. Ниёзов, Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси Х. Эргашев ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилди. Партия комитетининг бюросида шу колхоз партия ташкилотларининг секретарлари Мовутов, Сайдаев ва партия комитетининг ташкилотчи-инспектори Ғафурова ўртоқларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар билан келишувчилик қилиб келаётганликлари кўрсатиб ўтилди. Шу камчиликларни тезда олдини олиш учун тегишли тадбир белгилаб, колхоздаги ҳамма меҳнатга яроқли ишчи кучларини дала ишларига сафарбар қилиш, экишни сифатли ўтказиш учун ҳамма имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш, бу ишда коммунист ва комсомолларнинг авангардлик ролини ошириш топширилди.

Партия комитетининг бюроси ишлаб чиқариш бошқармасининг дала ишларини яхшилашга ва экиш компаниясини катта тайёргарлик билан бошлаб юбориш ҳамда тез нунда сифатли қилиб чигит экиш юзасидан белгилаган тадбирий чораларини эътиборга олди.

Оққўрғон қишлоқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари

С. ТОИРОВ».

МЕҲНАТГА ИХЛОС ҚЎЙГАНЛАР

«... У ҳақиқатан ҳам баҳодир киши, унинг раҳбарлигида жуда яхши хўжалик тузилган...» қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг бу қисқа, лекин чуқур мазмунли гапи Янгийўл районидаги машъал «Ленинизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов ҳақида айтилган. Бу қаҳрамон раис ҳақиқатан ҳам баҳодир киши. У раҳбарлик қилаётган деҳқонлар, чорвадорлар, боғбонлар, соҳибкорлар, пиллачилар оиласи йил сайин ўсмоқда, юксалмоқда, кунга тўлмоқда, янги-янги зафарлар қучмоқда. Хўжаликнинг каттадан-кичик ҳамма аъзоси фаровонлик ва тўкинчиликнинг гарови бўлган меҳнатга ихлос қўйган.

Атрофда етти йиллик бешинчи йилининг сулув баҳори ҳукмронлик қилаётган ҳозирги кунларда шу катта оиланинг ҳузурига қадам ранжида қилсангиз, олтин кўзда кўтариладиган баракали «оқ олтин» хирмонларига мустаҳкам пойдевор яратаётган сергайрат колхозчиларни кўриб беҳад қувониб кетасиз.

Мана, тўққизинчи бригаданинг пайкаллари. Чор атрофдан зўр бериб ишлаётган қудратли агрегатларнинг бир меёрда гуруллаган овозлари қулоққа чалинади. Агрегат шиддат билан чигит экаётган бир пайкалга кирдик. Барака уруғи қадалган қаторлар худди чизғичнинг зийидай адил тўғри чиқибди. Ҳамроҳимиз — колхоз партия ташкилотининг секретари Юсуп Толипов ҳўв нарирокда ерга энгашиб экишнинг сифатини текшираётган бир қизга ишора қилди-да, «ана бригадир Озода Маматованинг ўзи ҳам шу ерда экан» деб қўйди-да, ўша томонга юрди.

Озода билан самимий саломлашдик. Ҳозирги баҳор бу қизнинг йигирма биринчи баҳори экан. Унинг чаросдай шаҳло кўзларида ғайрат учқунлари алангаланяпти. Офтобда мағиздай пишган яноқлари, меҳнатда тобланган қўллари, кийиниши унинг ҳақиқий деҳқон қиз эканлигидан далолат бериб турибди. Биз ҳам экишнинг сифати билан қизиқдик. Озода чигит тушган уяларга чўп суқиб нишон қилди-да, сўнгра кўлидаги пўлат метр билан қаторлар ва уяларнинг ораларини ўлчаб кўрди. Қатор ораси роппа-роса 60, уя оралиғи эса 50 сантиметр бўлибди. Демак, схемага қатъий риоя қилиняпти, квадратлар ниҳоятда аниқ чиқаяпти. Чигит майин ва нам тупроққа тўрт сантиметр чуқурликка тушибди.

Шу пайт бригадир қиз тракторчи Эргаш Донёров билан сеялкачи Тўра Жонбоев ўртоқлар ишлаётган агрегат томонга назар ташлади-да, мамнунлик билан гап, қотди:

— Хўпам устаси фаранг механизаторларимиз бор-да! Чигитни қандай экиб бер десак, шундай экиб беришаяпти. Суръат ҳам чаккі эмас. Улар ҳар куни 6—7 гектар майдонни қўлдан чиқаришаяпти, — у бироз сукут сақлаб турди-да, сўнгра партком секретарига ўтирилиб яна гапира бошлади, — Юсуф ака, сиз нима дей ўйлайсиз, мажбуриятимиздаги 35 центнерга яраша иш бўлаяптими бизларда?

— Ҳозирги ишингизни фақат олқишлаймиз, холос. Энди буёғига ҳам маҳкам турсанглар, марра албатта сизларники бўлади.

— Маҳкам туриш ҳам гап эканми, бундан буён ҳам бир туп ғўзанинг атрофида парвона бўламиз. Мана чигит экишни ҳам тугалладик ҳисоб. Дастлаб уруғ экилган ҳўв анови картамизда чигит ниш уриб чиқа бошлади.

Бурунгилар «бир йигитга қирқ ҳунар ҳам озлик қилади» дейишган. Эндиликда замонамиз шундай тараққий этиб кетдики, ҳар қандай йигитлар бажарадиган ишларни хотин-қизлар ҳам бажаришаяпти. Шу боисдан «бир қизга қирқ ҳунар ҳам озлик қилади» десак сира янглишмаймиз. Озода ҳам ана шундай қизлардан. У бундан уч йил муқаддам механизаторлик ҳунарини ўрганиб олган эди. Шу уч йил ичида ўзининг «зангори кема»си билан эл хирмонига 361 тонна «оқ олтин» териб тўкди. Колхоз правлениеси бу қизнинг сергайратлиги, ташкилотчилигини назар-эътиборга олиб, бу йил каттагина бригадага бошлиқ қилиб тайинлади. Ҳозир у ҳам бригадирликни, ҳам табелчиликни, ҳам механизаторликни биб-бинойидай эплаяпти. Айни замонда кечки мактабнинг 10-синфида ўқишни давом эттираяпти, шунингдек қишлоқ хўжалик техникумида сиртдан таълим олаяпти. Ҳа, бу деҳқон қизнинг истиқболи порлоқ!

Бригадир қиз бизнинг «партия ва ҳукуматимизнинг пахтанинг харид нархларини ошириш тўғрисидаги қарори туфайли бригада бу йил қанча қўшимча даромад кўради?» деган саволимизга жавоб бермоқ истагида енгилгина қилиб тикилган этигининг қўнжидан бир дафтарча олди.

— Гектаридан мажбуриятимиздаги 35 центнердан ҳосил кўтариб давлатга 210 тонна пахта сотсак, — деди у дафтардаги рақамларга кўз югуртираркан, — партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли қўшимча равишда 13 минг сўм пул ва 48 тонна ғалла оламиз.

Ҳамроҳимиз билан биргаликда Озодага катта муваффақиятлар тилаб йўлимизда давом этдик. Мана, ўртоқ Зиёбой Ризаев бошлиқ бригаданинг шинам шийпони. Тушки дам олиш пайти бўлгани учун ҳамма колхозчилар шу ерга йиғилишган эди. Улар овқат устида бир-бирларига гал бермай дала ишлари тўғрисида қизғин суҳбатлашишарди. Шу пайт бир колхозчи шийпонга чопиб келдида, ўлкасини ҳам босиб олмасдан, ўтирганларга гап қотди:

— Мирзараймнинг звеносида чигит кўм-кўк бўлиб униб чиқибди. Унинг қўлида кўмкўк митти ғўза турарди. Бу мурғак ғўза деҳқон кеч кўздан буён қилган фидокорона меҳнатнинг илк меваси эди.

Бригадир билан бирга механизатор Мирзарайим Абдурахмонов бошлиқ бўлган звенога бордик. Бояги колхозчининг ҳовлиқканича бор экан. 13 гектарлик пайкалда ямяшил квадратлар ҳосил бўлибди. Мирзараймни мўл ҳосилнинг дастлабки нишонаси билан табрикладик. У камтарилик билан «раҳмат» деб қўйди-да, пайкалга нигоҳ ташлади. Унинг кўзлари қувонаётгани сезилиб турарди. Эҳтимолки, бу кўзлар эрта-индин ер бетини бутқул қоплаб оладиган ғўзаларни, кўчатга келинчакнинг бўйнидаги маржондай тизилган бўлиқ кўсакларни, қуёш ёғдусида кўзни олгудек тобланаётган «оқ олтин»ларнинг кўрганидай бўлаётгандир...

Шу куни хўжаликнинг деярли ҳамма бригадаларида бўлдик. Қайси пайкалга бормайлик, қайси бир деҳқон билан суҳбатлашмайлик фидокорона меҳнатнинг гувоҳи бўлдик. Жонажон партия ва ҳукуматимизнинг пахтанинг харид нархларини ошириш тўғрисидаги қарори, колхозчиларнинг билагига куч, белига қувват ҳадя этибди. Агар колхозда бу йил зиммага олинган мажбуриятдаги 32 центнердан ҳосил кўтарилса ва давлатга 3 минг 897 тонна пахта сотилса қўшимча равишда 350 минг сўм пул даромад қилинди, минг тоннадан ортиқ ғалла олинди.

Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов билан суҳбатлашганимизда у хўжаликда қилинаётган ишлар ҳақида лўпда қилиб гапириб берди:

— Чигит экишни ҳам тугаллай деб қолдик. Эрта-индин «1220 гектар майдонга сифатли қилиб чигит экдик» деб рапорт берамиз. Ҳозир далаларимизда 17 та экиш агрегати кунига 85—90 гектар ерга уруғ қадаяпти. Пахтакорларимиз 1 Май байрамини ҳамма майдонлардаги чигитни бир текис ундириб олиш ва ғўза парваришни кучайтириб юбориш билан кутиб олишга бел боғлашган. Бу йил ғўзамизни ҳар йилгидан ҳам яхшироқ парвариш қилиш учун зарур тадбир-чораларни белгилаб чиққанмиз. Агар чигит сифатли экилган, квадрат аниқ чиққан, кўчат нормал қалинликда бўлса, тракторчилар ва экипаж аъзоларига 25 процент миқдорида мукофот берамиз. Бу йил пайкалларимизда 100 сувчи ишлайди. Уларнинг ҳаммасига резинка этик сотиб олдик, бир хилда оқ яхтак ва қалпоқ тиктирдик. Бундан ташқари қандай ишлашганига қараб уларни мукофотлаймиз...

А. ШОРАҲМЕДОВ

Янгийўл райони, Нов қишлоғи.

„АРАЛАШ" ПРЕПАРАТИ ДЕҲҚОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Пахтадан мўл ҳосил оламан деган деҳқон аввало нўчат тўлиқ бўлиши учун қурашади. Халқимиз кўчат бут бўлса, ҳосил мўл бўлади деб бенизга айтмаган. Аммо, айрим ҳолларда баҳор ноқулай келиши, уруғ экилгач, ёғингарчиликнинг кўп бўлиши оқибатида чигитни қайтадан экишга тўғри келади. Бироқ, чигит ерга тушгач, унинг иккинчи ҳавфли душмани пайдо бўлади. Бу кўк қуртдир. Чигитни кўк қуртдан сақлаш Узбекистон ССР Фанлар академияси генетика ва ўсимликлар физиологияси институтининг диққат-марказида турипти.

Тўрт йилдан буён олиб борилаётган илмий ишлар ниҳоятда ўз самарасини кўрсатди. Пахта далаларида кўчат қалинлигини сақлашда, ҳавонинг ҳарорати пасайган ва тупроқнинг намлиги ортган пайтда чигитни замбуруғ ва ҳар хил бактериялардан сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ТМТД (тетраметил-тиурам-дисульфид) препарати ёнига «Аралаш» деб номланган янги препарат қўшилди. Унинг составида 50 процент ТМТД, 20 процент гамм изомери ГХЦГ, 12 процент ТХФМ, 5 процент сульфид ишқори, 3 процент КМИ ва бир процент ЕП-7 бор.

ТМТД препарати чигитни чиришдан сақлашда яхши натижа берган эди: униб чиқишни 35 процентга, кўчат қалинлигини 17,8 процентга ва ҳосилдорликни 22,6 процентга оширган эди.

«Аралаш» препарати билан ишланган чигитлар ТМТД билан ишланган чигитларга нисбатан кўпроқ униб чиқди. Ҳар гектар майдонда 13,6—14,3 минг туп ўсимлик ортиқ бўлди. Бу препарат пахтанинг ҳосилдорлигини 3,2 центнерга ошириши аниқланди.

Янги яратилган «Аралаш» препарати бу йил янада чуқурроқ синаб кўрилади. Яқин келажакда бу препарат деҳқонларимиз хизматида бўлади.

М. МИРХАЛИЛОВ.

САБЗАВОТ МЎЛ БЎЛАДИ

Калинин районидаги Алишер Навоий номли колхоз сабзавотчилари бу йил сабзавот етиштириш юзасидан юксак мажбурият олиншган. Улар 965 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, давлатга 3350 тонна картошка, 3243 тонна сабзавот, 1009 тонна полиз маҳсулотлари етказиб беришлари керак.

Бунинг учун колхозда тегишли тадбирлар амалга оширилаётир. Хўжаликда кузги-қишки дала ишларига жиддий эътибор берилди. 693 гектар майдон чуқур ҳайдалиб далага 890 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Барча ариқ-зовурлар сув равон оқадиган қилиб тозаланди.

Экиш—дала ишларига ҳам эрта киришилди. 126 гектар ерга эртаги картошка, карам, сабзи ва бошқа экинлар экилди. Экишни барвақт тугаллаган М. Сойипов, С. Раҳматов, С. Рўзимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шу кунларда экинларнинг дастлабки парваришни қизғин бошлаб юборилди.

Колхозда бошқа экинлар экишга ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Шунингдек райондаги «Ленинизм» колхозида ҳам иш кўнгилдагидек ташкил этилган. Колхоз меҳнаткашлари бу йил 586 гектар майдонда 2532 тонна сабзавот, 2160 тонна картошка, 840 тонна полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун қурашиб, меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳозиргача ўнлаб гектар ерга эртаги экинлар экилди.

Ғ. Одилов, Н. Абдиазизов ва Н. Султонов бошлиқ бригадалар эса эртаги экинлар экишни намунали тугаллаб, полиз экинлари экишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Т. ЖЎРАЕВ.

ИЛҒОР ЗВЕНОДА

Тоғ орқасидан қўтарилаётган саҳий қуёшнинг заррин нурлари дарахтларнинг мурғак баргларида, йўл четидаги муҳташам биноларнинг пештоқларида жилваланади. Фусункор баҳорнинг ўйноқи еллари ариқ чекаларидаги ялпиз ва бинафшаларнинг хушбўй ҳидларини димоққа келтириб уради. Ҳаммаёқда баҳор нашидаси ҳукмрон...

Колхознинг бепоён далаларига назар ташлар эканси, аллақаерда ишлаётган тракторнинг гувиллаган овози қулоққа чалинади. Эрта тонгданоқ меҳнат қучоғига отилган йигит-қизларни кўриб калбингиз қувончга тўлади. Ахир қувонмай бўладими?! Халол меҳнат билан «оқ олтин» хирмонларини вужудга келтириш иштиёқида яшаётган дала лочинлари шулар-да! Ана шундай меҳнатсеварлардан бири колхознинг тюпкочи звеноси бошлиғи Юлдуз Алиевадир.

Биз Юлдуз бошчилик қилаётган звенода бўлганимизда қувончимизни ичимизга сиғдиролмадик. Негаки, азаматлар ҳамма ишларни койил қилишибди. Чигит экишга зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси тўла шайланган. Кузда шудгорланган карталар навбаҳор келиши билан ой бороналаб қўйилибди. Ариқ-зовурлар қиш ойларидаёқ тозаланибди.

Звено даласига етиб борганимизда йўл ёқасида турган аравадан бир киши гўнг тушираётган эди. Унинг исми-шарифи Раҳим Эргашев экан. Раҳим ака биз билан самимий саломлашди-да, сўнгра салмоқланиб гапира бошлади:

— Маҳаллий ўғитда гап кўп экан. Кимки ўз ерини ўғитга тўйдирса, у ҳоҳ пахтадан бўлсин, ҳоҳ бошқа экинлардан бўлсин мўл ҳосил кўтараркан. Биз ана шуни назарда тутиб далага ялпоқ борича кўпроқ маҳаллий ўғит ташиб чиқараяпмиз. Ҳозиргача жамғарган гўнгимиз гектар бошига 10 тоннаданга тўғри келиб қолди. Ўтган йили ҳам шундай қилган эдик, 25 центнердан ҳосил кўтардик.

Раҳим ака биз томонга келаётган ўрта бўйли, бугдойранг, чаққонгина аёлни кўрди-да, дарҳол гапининг мавзуини ўзгартирди: «ана, Юлдузхоннинг ўзлари ҳам келиб қолдилар. Энди гапимнинг давомини у кишидан эшитаверасизлар».

Звено бошлиғининг истиқболига пешвоз чиқдик. Одатдаги салом-аликдан сўнг Юлдуз опа мақсадимизни тушунди шекилли, гапини звенодаги ишлар қандай бораётганлигидан бошлади:

— Ундай қилдик, бундай қилдик деб гапиришимизга ҳали эрта. Долзарб кунлар ҳали олдимизда турибди. Бизнинг звеномизда бор-йўғи тўрт киши ишлайди. Киши бошига 10 гектардан ер тўғри келади. Бу йил пахтакорларимиз ҳосилдорликни ўтган йилдагига нисбатан 5 центнерга оширишга ва ҳар гектар майдондан камида 30 центнердан «оқ олтин» кўтаришга сўз беришди. Шу кунларда олдиндан сифатли қилиб тайёрланган ерларга кўнгилдагидек қилиб чигит экаяпмиз. Кўчатни текис ундириб олиш билан дастлабки ишлов беришни бошлаб юборамиз.

Бу оташкалб аёлнинг сўзларига ишонса бўлади. Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган фидокор аёл Юлдуз Алиева бошлиқ звено пахтакорлари етти йилликнинг бешинчи йилини албатта ажойиб натижалар билан якунлайдилар.

Б. РАЖАБОВ
Х. АБДУВАЛИЕВ

Бекобод районидаги, Ленин номли колхоз.

ИШГА ҚЎНИМ— ХИРМОНГА УНУМ

Ерни ишлаган билади. Ўтган йили колхозимизда пахта тайёрлаш планнинг бажарилмай қолганлиги тўғрисида ҳарким ҳар нарса дейди-ю, лекин унинг сабаблари ўзимизга беш қўлдай аён эди. Мен уларни санаб ўтирмай қолоқликдан чиқиш учун нималар қилаётганлигимиз хусусида гапирмоқчиман.

Бу йил барча майдонларни жорий ва капитал текислашдан чиқардик. Шудгор, яхоб ва энг муҳими—шўр ювиш ўтган йилга нисбатан ҳар жиҳатдан зиёда бўлди. Ерни ўғитга тўйдирдик ва бегона ўт илдизларидан яхшилаб тозаладик. Майдонлар ниҳоятда майдалаштирилиб юборилган бўлиб, у техника ва ишчи қучидан унумли фойдаланишга жиддий ҳалақит бериб келарди. Масалан, 50-60 гектар майдонга эга бўлган бригадага битта чопиқ трактори камлик, иккитаси эса кўплик қиларди. Буларга ишчи кучларини биркитишда ҳам турли ўнғайсизликлар юз берарди. Буни бартараф этдик. Бригадалар сонини камайтириб, 25 та механизациялашган звеноларга туздик. Участка ва бригадаларни йириклаштириш ҳамда маъмурий идора аппаратини ихчамлаштириш эвазига 17 кишини колхоз ишлаб чиқаришининг турли участкаларига ишлаш учун юбордик. Бу айни вақтда бизга ҳар йили 8 минг меҳнат кўнги ёки 10 минг сўмни тежаб қолиш имконини беради. Бизда пахтачиликда банд бўлган ҳарбир кишига 3 ярим гектардан ер тўғри келади. Бундай шароитда механизацияга тўла таянмасдан туриб, мақсадга эришиб бўлмайди, албатта. Ана шуни чуқур идрок этган деҳқонларимиз техникадан, ернинг ҳарбир қаричи, сувнинг ҳарбир томчиси ва ўғитнинг ҳарбир граммидан баракали фойдаланиб, чигит экишни жадаллатмоқдалар.

Жонажон партия ва ҳукуматимизнинг пахтанинг харид нархини ошириш ҳақидаги қарори колхозчиларимизнинг билагига янги зўр куч бағишлади. Улар олий ғамхўрлик учун мингдан-минг раҳмат айтиб, шундай қарорга келдилар: 1.590 гектар ернинг ҳар гектаридан 20,5 ўрнига 23 центнердан «оқ олтин» етказиб берамиз. Бу пландагидан 300 тонна кўпдир.

Ҳозир иш нормалари ва баҳоларни қайта кўриб чиқмоқдамиз. Одамларимиз бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

А. БОИБЎТАЕВ

Бекобод, «Победа» колхозининг раиси.

ЭКИШ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

— Ҳосилдорликни кескин оширамиз. Картошканинг ҳар гектаридан 12,5 ўрнига 14 тоннадан, полиз экинларининг ҳар гектаридан 21,5 ўрнига 24 тоннадан ҳосил кўтаришга эришамиз.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги генерал Собир Раҳимов номли колхоз сабзавотчиларининг бу йилги ахди шундай.

Суғориш шохобчаларини тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш ва бошқа дала ишларини кўнгилдагидек адо этган колхоз аъзолари ҳозирги кунларда сабзавот экинлари экишни тобора қизитаётирлар.

Шунингдек Охунбобоев ва Свердлов номли колхозларда ҳам дала ишларини кучайтиришга жиддий эътибор берилаяпти. Ҳозиргача бу колхозларнинг катта майдонларида эртаги экинлар экиб бўлинди. Парник хўжаликларида кўчат етиштириш, уларни вақтида расад қилиш яхши йўлга қўйилган.

Дала ишларини бажаришда Охунбобоев номли колхознинг И. Нуртоев, Х. Ҳакимов ва Свердлов номли колхознинг Қ. Қодиров, А. Қаюмов, М. Яхина, С. Мусаев ўртоқлар бошлиқ бригадалари олдинда бормоқда. Бу бригада коллективлари мўл-кўл сабзавот ва полиз экинлари ҳосили етиштириш учун умумхалқ мусобақасини қизитиб, эртаги сабзавот экинлари экиш суръатини тобора ошираётирлар.

О. ИСКАНДАРОВ, М. МУҲАМЕДОВ, А. АБДУМУТАЛОВ, М. САЙДАЗИМОВ, Р. ФАИЗУЛЛАЕВ.

СИЗЛАР НИМА ДЕЙСИЗ?

Сирдарё бошқармасидаги Ҳамза номли колхозда чигит экиш қониқарсиз эканлигини кўриб ачинасан киши. Буни қуйидагилардан ҳам билса бўлади.

... Пайкал ёқасида таҳа-тақ тўхтаб турган трактор ёнига бориб, тракторчи ўртоқ С. Мусурмонқуловдан сўрадик:

— Нега тракторингиз долзарб кунларда тўхтаб турибди?

— 15 кундан бери аҳвол шу. «задний мости» бузилган, запас қисмлар йўқ. Кунимиз бекорга ўтяпти, — дейди у, — инженер К. Норбековнинг олдига борсак, запас қисмлар топиб бериш у ёнда турсин, шикоятларимизга ҳам қулоқ солмайди.

Колхознинг Қ. Шодиев, Т. Эгамбердиев ўртоқлар бошқараётган тракторлари ҳам карталар ўртасида бузилиб ётибди. Бу ўртоқларга берган саволларимизга ҳам юқоридаги мазмунда жавоб олдик.

Апрель ойининг ярми ўтиб кетди. Бегамлин-хотиржамликка қачон чек қўйилади. Бир куни йилга татийдиган шу долзарб кунларда чигитни сифатли экиб олиш ғамини ейишдан ҳам ўзга муҳим иш борми?

Раис А. Маматқулов, агроном О. Абдуқодиров, инженер К. Норбеков ўртоқлар, сизлар нима дейсизлар?

Х. ХОЛИЙГИТОВ

Сирдарё области.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ЧАШМА

Мухбиримиз Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхоз бош бухгалтери ўртоқ Ортиқ Мусаевга бирнеча савол билан мурожаат қилди. Қуйида унинг жавобларини босаётиримиз.

Савол: КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш тўғрисида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисида» чиқарган қарори колхоз аъзолари томонидан қандай кутиб олинди?

Жавоб: Колхозларда пахтанинг харид нархлари 1963 йил ҳосилдан бошлаб ўрта ҳисобда 20 процент оширилгани колхозчиларимиз ўртасида зўр қизиқиш уйғотди. Уларнинг меҳнат кўтаринкилигини янада ошириб юборди. Бу катта молиявий ёрдамга улар шу йилнинг ўзидаёқ давлатга 1100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан аввали 27 центнер ўрнига 30,1 центнердан, жаъми 3303 тонна «оқ олтин» етказиб бериш билан жавоб беришга аҳд қилдилар.

Савол: Бу йил пахтадан олинадиган даромад қандай бўлади?

Жавоб: Даромаднинг кўпайиши аввало, давлатга пахтанинг қанчасини биринчи сортга топширишимизга боғлиқ. Биз мажбуриятдаги 3303 тонна «оқ олтин»нинг 80 процентини биринчи сорт ҳисобига топширишни мўлжалламоқдамиз. Агар зиммадаги ҳосилни давлат омборига тўксак, эски нарх бўйича пахтачиликдан 1 миллион 75 минг 322 сўм даромад қилган бўлардик. Янги нарх жорий этилиши туфайли олинадиган даромад 1 миллион 276 минг 460 сўмни ташкил этади. Шу йилнинг ўзидаёқ колхозчиларимиз давлатдан 201 минг 138 сўм манфаатдор бўладилар.

Савол: Партия ва ҳукуматимиз қарорида меҳнатга тўланадиган ҳақ ҳисобига колхозчиларга бериш учун пахтакор колхозларга давлатга топширилган пахтанинг ҳар тоннаси бадалига маълум миқдорда дон сотиш тартиби жорий этилгани ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу колхозчилар даромадининг ошишига қандай таъсир қилади?

Жавоб: Колхозларга давлат томонидан ун ва озиқ-овқат донларининг матлубот кооперациялари ташкилотлари орқали чакана нархлар билан сотилиши асосий диққатимизни пахтачиликни янада ривожлантиришга қаратишимизга катта ёрдам беради. Бу йил колхозчиларимиз мажбуриятдаги 3303 тонна пахтани давлатга топширсалар бир меҳнат кунига аввалги меҳнатдаги 1,94 сўм (ғалла суммасидан ташқари) 2,26 сўмдан пул ва 5,9 килограммдан ғалла оладилар. Ғалланы пулга чақадиган бўлсак, бу йил бир меҳнат кунига 2,99 сўмдан ҳақ тўғри келади.

Савол: Бир меҳнат кунига колхоз кўрсаткичидан ҳам ошириб ҳақ оладиган бригадалар борми?

Жавоб: Бор. Масалан, Танабек Сафаров бошлиқ бригада аъзолари бир меҳнат куни ҳисобига 3,67 сўмдан пул, ғалла билан қўшиб ҳисоблаганда 4,13 сўмдан ҳақ олишади. Қўзибой Ражабов бригадасида эса бир меҳнат кунига жами 4 сўмдан ҳақ беришни мўлжалламоқдамиз. Бундай бригадалар анчагина.

Савол: Колхозчиларнинг моддий фаровонлиги қандай ошади?

Жавоб: Бу йил колхозчиларимизнинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой устида бўлади. Бултур оддий колхозчи Қўлдош Пўлатов 614 меҳнат куни ишлаган эди. Бу йил ҳам шунча меҳнат куни ишласа 1781 сўм пул ва 1411 килограмм ғалла даромад қиладi. Бизда энг кўп даромад оладиган колхозчилар — механизаторлардир. Пахтачиликдаги оғир ишлар механизация елкасига юклатилгани сабабли кўп нарса механизаторлар ғайратига боғлиқ бўлиб қолди. Бултур астойдил меҳнат қилган механизаторлардан Ашур Қўшоқов ва Осмон Шаҳов ўртоқлар колхоз бўйича энг кўп меҳнат куни ишладилар. А. Қўшоқов бу йил ҳам ғайрат қилиб 1143 меҳнат куни ишласа бултур шунча меҳнат кунига олган 1252 килограмм ғалла ва 1600 сўм пул ўрнига 2628 килограмм ғалла ва 3415 сўм пул олади.

Савол: Колхозингизда ҳосилдорликни ошириш учун бу йил нималар қилинаётир?

Жавоб: Ҳосил мўл — даромад мўл. Ҳозир колхозимиз аъзоларининг бутун диққат-эътибори давлатга мумкин қадар кўпроқ «оқ олтин» етказиб беришга қаратилган, бу эйни чоқда даромадни ошириш учун кураш ҳамдир. Яқинда бўлиб ўтган колхоз правлениеси мажлисида ҳосилдорликни ошириш учун катта резервлар борлиги айтиб ўтилди. Ҳаммасини санаб ўтирмайман, муҳимлари шуки, аввало ҳар бир бригадада тўла гектар учун курашиляпти, карталар йириклаштирилиб, ортиқча марза ва ариқлар текисланиб, ерга, ер қўшилмоқда. Бултур экиш олдидан суперфосфат солинмаган эди, бу йил ҳар гектар ерга 500 килограммдан суперфосфат солинди. Бу йил экиш олдидан культивация ўтказилаяпти, бу бегона ўт илдизларини йўқотиш, ерни юмшатишга ёрдам беради. Ҳар йили пахта майдонига 10 тоннадан гўнг солиш ҳақида гапириладиган-ю, амалда бажарилмас эди. Бу йил 10 минг тоннадан ошиқ гўнг далага чиқарилди. Ниҳоят, асосий майдонда етиштириладиган ҳамма ҳосилни фақат машиналар билан териб олиш тадбирлари кўрилмоқда. Хуллас, партия ва ҳукуматимизнинг пахта харид нархини ошириш ҳақидаги янги қарори колхозчиларимиз ижодий ғайратини чашмадек жўш урдириб юборди.

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРУВЧИ УСУЛ

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхозда тупроқни чигит экиш олдидан тайёрлашнинг янги усули қўлланилди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё институти агротехника лабораториясининг мудири Ф. А. Соколов ва шу институтнинг ходими Л. И. Магай ишлаб чиққан бу усул чигитнинг униб чиқишини ва пахта ҳосилдорлигини оширади.

Бунда чигит экишдан 10—15 кун олдин ораси 120 сантиметр қилиб олинган эгатлар бўйича майдон суғорилади. Ҳар гектар майдонга бир ярим минг кубометр миқдорда сув берилади. Сўнгра тупроқ етилгунга қадар чизеллаш ёки 15 сантиметргача чуқурликда борона билан дискалаш ўтказилади.

Янги усулда тупроқни чигит экиш олдидан ишлаш одатдагидан ўн кун кеч ўтказилади. Шу вақт ичида ўсиб чиққан бегона ўтлар тугатилади. Сизот сувлар чуқур етган майдонларда чигитнинг униб чиқиши қариб икки баравар ортади, пахта ҳосилдорлиги эса уч центнер кўпаяди. Бу — институтнинг тажриба майдонларида ўтган йили ўтказилган экспериментлар билан исбот этилди.

Бу йил Тошкент ва Сурхондарё областларидаги бир қанча хўжаликлар тупроқни чигит экиш олдидан ишлаш соҳасидаги бу янги усулни кенг қўлланаётирлар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ КУНИДА

Ҳамза номидаги Ленин орденли академик драма театрининг СССР халқ артисти Олим Хўжаев бошчилигидаги бир группа артистлари 17-апрелда 8-Март номли бадиий каштачилик фабрикасида бўлишди.

Фабриканинг попон цехига йиғилган ишчи ва хизматчилар олдида сўзга чиққан СССР халқ артисти О. Хўжаев театр ишлари ҳақида қисқача гапириб, учрашувга келган артистларни таништирди. Шундан сўнг артистлардан Марям Ёқубова, Яйра Абдуллаевалар СССР халқ артисти О. Хўжаев иштирокида Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», Шекспирнинг «Гамлет» спектакларидан саҳналар, монологлар ижро этишди. Артистларнинг чиқишини завқ билан томоша қилган ишчилар беҳад мамнун бўлишди. Учрашув охирида попон цехининг илғор ишчиси Дилором Толипова фабриканинг бутун ишчилари номидан артистларга ташаккур изҳор қилди.

С. БЕКТЕМИРОВА
Г. СОЛИХОВА,



Тошкент давлат циркининг артистнаси Е. Сандатенкова Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводининг ишчиларига қизиқ цирк ўйинлари кўрсатмоқда.

Г. ПУН фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАРОҚЛИ УЧРАШУВЛАР

—Шоирлар келишди, шеър ўқишармиш. Бу хабар фабриканинг бутун цехларига бир зумда ёйилди. Кўпдан бери севимли қалам аҳллари билан яқиндан танишиш, юзма-юз сўзлашиш ва янги асарларни ўз авторлари тилидан эшитиш иштиёқида юрган шеър муҳлислари — ишчилар учрашувнинг тезроқ бошланишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар.

Мана, ниҳоят Адабиёт ва санъат куни ўтказилиши муносабати билан шоир Ҳамид Ғулом бошчилигида Андрей Иванов ва Одил Ёқубовлардан иборат ёзувчилар группаси кишиларга чиройли ва бежирим оёқ кийимлари тикиб бераётган пойафзалчилар ҳузурига меҳмон бўлиб келишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари шоир Ҳамид Ғулом учрашувни очиб, бу ерга йиғилган барча ишчи ва хизматчиларни қаламкашлар номидан қизғин табриклайди. У кейинги йилларда совет адабиётида эришилган ютуқлар, партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан бўлиб ўтган учрашувлари ҳамда яқинда унинг ўзи Жазоирга борганида олган ажойиб таассуротлари ҳақида қисқа, лекин мазмунли қилиб сўзлаб берди. Сўнгра у ана шу таассуротлар асосида янги ёзган «Тонг отяпти» номли шеърини ўқиб берди.

Сўз олган шоир Андрей Иванов ўзининг «Юрак саси», «Партизаннинг ўлими» сарлавҳали шеърларини ўқиб пойафзалчиларни мамнун қилди.

Фабриканинг 5-цехида бўлиб ўтган учрашувда ёзувчи Одил Ёқубов ҳозирги кунда совет адабиёти олдида турган улкан вазифалар, хусусан ёш ёзувчилар ижоди ҳақида гапирди. Бу цехда ҳам севимли шоирлар томонидан йиғилганларни хурсанд қилувчи шеърлар ўқилди.

Учрашув охирида фабрика партия ташкилотининг секретари Р. С. Мордухаева пойафзалчилар номидан азиз меҳмонларни қизғин табриклади ва бу каби учрашувлар тез-тез ўтказиб турилса ёмон бўлмайди, деган истак билдирди. Ишчилар шоирларга гулдасталар тақдим этадилар.

Жуда ҳам мароқли ўтган шу учрашув куни фабрика ҳовлисида кўчма китоб савдоси ҳам ташкил этилди.

А. ЮСУПОВ.

Тушки танаффус вақти. Заводнинг кенг ҳовлисига ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан ҳаммаси бўлиб 2000 га яқин киши тўпланди. Улар бу ерга Тошкент давлат цирки артистлари билан учрашиш учун йиғилдилар.

Цирк режиссёри ўйин кўрсатишидан олдин ишчиларни коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини яратишда қўлга киритаётган муваффақиятлари билан табриклаб, уларнинг бундан кейинги ишларида янги муваффақиятлар тилади.

Сўнгра 42 кишидан иборат цирк артистлари коллективи тўпланганларга ҳар хил қизиқ ўйинлар кўрсатдилар. Сатира бўлимида бизга ёт бўлган элементларнинг бошараларини чизиб кўрсатиш, хитойча ва бошқа ўйинлар томошабинларнинг қатта олқишларига сазовор бўлди.

Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводида цирк артистларининг ишчилар билан учрашуви жуда қизиқарли ўтди.

Ж. МАҲМУДОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 АПРЕЛДА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Юлдузча** телевизион журнали, 18.45 — **В. И. Ленин ҳақида тарихий ҳужжатлар**, 19.05 — **Колхоз — деҳқонлар учун коммунизм мактаби** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.20 — **Телевизион янгиликлар**, 19.40 — **Бир мақсад йўлида** номли бадиий фильм.

Рус тилида: 21.05 — **Рассомларнинг Бутииттифоқ II съезди делегатлари телестудияда**, 21.30 — **Телевизион янгиликлар**, 21.50 — **Композитор Ю. Милютин** (суҳбатли концерт).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/IV да **Оққуш нўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/IV да **Фурқат**, 20/IV да **Тобутдан товуш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/IV да **Ишқинг билан**, 20/IV да **Ишқинг билан.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги аттракцион. **Анатолий Сокол** ўз ёрдамчиси — **электрон-механик киши «робот» билан.** Томошалар кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

Симладаги севги — «ВАТАН», «ИСКРА», «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8 яримда).

Гуноҳкор фаришта — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Шамол эксанг, бўрон унар — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Куёв-келин қиссаси (эртаклаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 6 да), **Леди Гамильтон** (кундуз 12, 4, кеч 8 ва 10 да) — КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Тошқин — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Танца кечаси — «ПАХТАКОР» (кеч соат 8 яримда).

Танга — КАФАНОВ номли (кеч соат 8 яримда).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ф. Хўжаев асари

ВУЛУТЛАР ТАРҚАЛСА...

3 пардали драма.

Режиссёр — **А. З. Қобилов**, рассом — **Г. Э. Ювгвальд-Хилькевич**, композитор — **Б. И. Зейдман.**

Театрнинг бош режиссёри — Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. О. Гинзбург.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 20 апрелда

КАТТА КОНЦЕРТ

Концертда: СССР халқ артистлари **Ҳалима Носирова, Саодат Қобилова, Галия Измайлова.** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зониров, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Жамол Низомхўжаев, Михаил Давидов, Клара Юсупова, Гулнора Маваева, Ҳалима Комилова**, солист **Эрғаш Йўлдошевлар** қатнашади.

Халқ чолғу асбоблари орнестри жўр бўлади.

ШАҲРИМИЗ ҲУСНИ УЧУН!

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Шу кунларда жонажон пойтахтимизни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш ишлари кенг кўламда олиб бориляпти. Бу соҳада республика «Главметалласнабсбит» базаси коллективининг Металлист кўчасини обод қилиш юзасидан бошлаган ташаббуси диққатга сазовордир. Бу кўчага 200 туп турли манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди, ариқ-зовурлар тозаланиб, йўл чеккаларига асфальт ётқизилди. База территорияси кўркам боғга айлантирилмоқда.

Черяков кўчасига жойлашган болалар нерв касаллиги санаторийсида (директори Тожиева), Киров районидаги К. Маркс номли маҳалла территориясида (комитет раиси Назаров), Куйбишев районидаги 15-шаҳар касалхонасида (бош врачи Содиқов) ҳам ободончилик, тозалаш ишлари ўқишқоқлик билан ўтказилмоқда.

Лекин афсуски, бу хайрли ишга ҳамма ҳам бош қўшаётгани йўқ. Ҳатто бazси ташкилотлар ойлик бошлангандан буён ана у ердаги чўпни бу ерга олиб қўйишгани йўқ.

Мана, пайпоқ-трикотаж фабрикасини олиб кўрайлик. Фабриканинг уй-жой шаҳарчаси гиёҳсиз чўлга ўхшайди, на дарахт ўтқазилган, на бинонинг фасади тартибга солинган. Фабрика бошлиғи ўртоқ Долимова ободонликдан гапирсангиз икки қулоғига пахта тиқиб олади. Шунинг учун ҳам район ижроия комитетининг бир неча бор эслатишига қарамай, аҳоли яшайдиган Библиотека кўчасида ободончилик соҳасида сариқ чақалик ҳам иш қилинмаган.

Тўқимачилик-трикотаж фабрикаси раҳбарлари (бошлиғи Йўлдошев) Киров район ижроия комитетининг фабрика территориясида ёшлар кучи билан хиёбон ташкил этиш ҳақидаги таклифларини эшитиб қўрқиб кетишди. Шу кунгача бу ерда ҳам ақалли бирор туп ниҳол ўтказилмади. Афтидан фабрика раҳбарлари ўз территорияларини бошқалар келиб обод қилиб беришади деб умид боғлаётганга ўхшайдилар. Шу райондаги Тахтапул, Войтинцев, Шаҳрисабз кўчаларини ҳам кўкламзорлаштириш ишлари ҳеч кимнинг эсига келмаяпти. Район коммунал хўжалик бўлими ходимлари эса бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар деб пинаклариги бузмадилар.

1-қурилиш бошқармаси (директори Штрамель) Куйбишев кўчасида қош қўйман деб кўз чиқариб қўйишганига нима дейсиз. Бошқарма ишчилари шу қадар пала-партишлик билан ишлашганки, зовур қазиётган пайтларида Полтарацкий ва Куйбишев кўчаларига ўтқазилган дарахт ва гулларни суғориб турган насос қувурини бутунлай ишдан чиқаришган. Натижада ана шу кўчалар ва базъзи майдонлардаги «яшил либос»лар сувсизликдан қуриб қолмоқда. Кошки эди қурилиш бошқармаси бузган нарсасини тузатиб берса! Зовур қазиб бўлингач, кимга сув керак бўлса, тузатиб олсин деб хайр-маъзурни насия қилиб жўфтакни рослаб қолишди.

Шаҳарнинг Ленин районидаги 23, 24-квартал комитетлари рўпараларидаги ариқлардаги ахлат ва балчиқларни кўриб табиатлари хира бўлмаётгани кишини таажжублантиради. Наҳотки ҳашар йўли билан ана шу ариқларни тозалаш қийин бўлса. Ахир ариқда тоза сув ўрнига ахлат оқишига бефарқ қараб турибмиз?! Шевченко, Чехов ва Пролетар кўчалари аҳолисини бирлаштирувчи 3-квартал комитети ҳам ариқ-зовурларни тозалашга ҳаддан ташқари бепарволик билан қараб келмоқда. Ана шу территориядаги ариқлар ҳам ахлат «яшигизга айланиб қолган.

Тошкент қоғоз комбинати территориясининг санитария аҳволига маймунлар йиғлаётганига батафсил тўхталиб ўтирмаймиз. Ҳовлининг ичи сиртидан маълум деганларидек, комбинат дарвозасига яқинлашишингиз билан «тозалик» сўзи бу ерга ҳали етиб келмаганини билиб олаверасиз.

Хуллас, пойтахтимизни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ҳақида шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг мурожаатига ҳамма бирдек амалий иш билан жавоб бермаяпти. Юқорида номлари тилга олинган ташкилот ва корхона коллективлари жилла қурса жума — «шаҳар тозалиги куни» эканлигини эслаб қўйишса ҳам майли эди.

Баҳор байрами — 1 Май яқин. Шу улуғ айёмга намунали тайёрланиш, ҳаммаёқни саранжом-саришта қилиш, «яшил либос»ларни яшнатиш, шаҳар ҳуснига доғ солиб турган ахлат ва чиқиндиларни йўқотиш энг олижаноб вазифадир. Юрагида ўти бор, ғўзалик ва тозаликни севувчи ҳар бир киши, ҳар бир коллектив ойликда қатнашиб озми-кўпми ўз ҳиссасини қўйиши керак. Бу ҳаммамизнинг бурчимиздир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИ ВА СССР ПРОКУРАТУРАСИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети РСФСР жиноят кодекси 64-моддасининг «А» бандига биноан жиноий жавобгарликка тортилган совет граждани Олег Владимирович Пеньковский ва РСФСР жиноят кодексининг 65-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилган Буюк Британия фуқароси Гревилл Мейнерд Винн иши юзасидан терговни тамомлади.

Пеньковский ва Винн СССРга қарши актив жосуслик фаолияти ўтказганликда айбланадилар.

Пеньковский ва Винн иши юзасидан айбнома Бош ҳарбий прокурор томонидан тасдиқланди. Иш жиноий-процессуал қонунга биноан ССР Иттифоқи Олий судининг ҳарбий коллегиясида кўриб чиқиш учун топширилди.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ — БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ТУЗИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

ҚОҲИРА, 17 апрель. (ТАСС). Миср, Сурия ва Ироқ ўртасида олиб борилган музокараларнинг якунлари тўғрисида бугун кечаси Қоҳирада ахборот имзоланди.

Уч араб мамлакатининг делегациялари яқин беш ой ичида ўтказиладиган референдумдан сўнг Миср, Сурия ва Ироқ базасида янги федерал давлат — Бирлашган Араб Республикаси тузиш тўғрисида бир битимга келдилар. Бу давлат уч райондан — Миср, Сурия ва Ироқ районларидан иборат бўлади. Унинг пойтахти Қоҳира бўлади.

Ташқи сиёсат, мудофаа, миллий хавфсизлик, федерал солиқлар, федерация бюджетининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, федерациянинг иқтисодий сиёсатини ва иқтисодий ривожланиш планларини ишлаб чиқиш, уч районнинг иқтисодий ривожланиш планларини координациялаш ва шу каби масалалар янги республика марказий маъмуларининг компетенциясига киради.

Янги федерал давлатнинг конституцияси референдум давомида маъқулланиши лозим. Конституция қабул қилинган кундан бошлаб кўпи билан 20 ой давом этадиган ўтиш даври мобайнида кучга кириши керак.

Янги Бирлашган Араб Республикасида икки палатадан: депутатлар палатаси ва федерал кенгашдан иборат Миллат мажлиси қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи бўлади.

Федерал давлатнинг бошлиғи — президент бўлади. Президент Миллат мажлиси томонидан 4 йилга сайланади. Президентнинг ўзи қуролли кучларнинг олий бош қўмондони ва миллий мудофаа кенгашининг раиси ҳам бўлади. Президент қонунлар чиқаради, қонунларни такиф қилади ва рад этади, бош министрни ва министрларни тайинлайди, қўшинларнинг қўмондонларини, олий федерал суд аъзоларини, федерал давлатнинг олий мансабдаги амалдорларини тайинлайди.

Президентнинг уч ўринбосари — ҳар бир райондан бир ўринбосар сайланади.

Бўлажак федерал давлатнинг кабинети Миллат мажлиси олдида жавоб берадиган бош министр ва министрлардан иборат бўлади.

Ҳар бир районда шу район учун қонунлар чиқарадиган ўз қонун чиқарувчи кенгаши шунингдек шу районнинг қонун чиқарувчи кенгаши олдида жавоб берадиган ўз ҳукумати бўлади.

Уч мамлакат делегациялари ўтиш даврида президент раислик қиладиган президентлик кенгашининг қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият органи бўлиши ҳақида келишиб олдилар.

Музокаралар вақтида шу тўғрида битимга эришилдики, уч районнинг ҳар қайсисида ҳамма қонунлар тегишли конституцион орган томонидан ўзгартирилмагунча ўз кучида қолади; шу районлардан ҳар қайсисининг ҳукумати томонидан тузилган ҳамма шартномалар ва битимлар уларни тузган районнинг ўзида кучини сақлаб қолади.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

СССР ҳукуматининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Дэвид А. Морс раиси билан 17 апрелда Тошкентга келди. СССР Министрлар Совети Меҳнат ва иш ҳақи масалалари Давлат комитети раисининг ўринбосари И. В. Горошкин, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мослаҳатчиси В. Л. Борисов, СССР Министрлар Совети Меҳнат ва иш ҳақи масалалари Давлат комитети халқаро алоқалар бўлимининг масъул ходими А. П. Филатова меҳмонга ҳамроҳ бўлмоқдалар.

Тошкент аэровокзалида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон касаба союзлари советининг раиси С. Н. Нуриддинов, меҳнатчилар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари У. А. Рустамовлар кутиб олдилар.

Уша куни Дэвид А. Морс ва унинг ҳамроҳлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Курбонов ҳузурида бўлдилар. Самимий дўстона вазиятда ўтган суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР молия министри В. М. Муродхўжаев, Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси С. К. Зиёдуллаевлар қатнашди.

Меҳмон ва унинг ҳамроҳлари шаҳардаги 4-профессионал-техника билим юртида бўлдилар, Тошкентдаги диқатга сазовор жойлар билан танишдилар.

Кечқурун Дэвид А. Морс ва унинг ҳамроҳлари Навоий номидаги ўзбек опера ва балет театрида «Кулувчан одам» спектаклини томоша қилдилар. (ЎзТАГ).

Турли хабарлар

▲ Совет Иттифоқи билан Мали Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида Бамакода олиб борилган музокаралар натижасида Совет-Мали протоколи имзоланди. Бу музокаларда совет ҳукумат делегациясига СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, Мали ҳукумат делегациясига Мали юстиция министри Мадейра Кейта бошчилик қилдилар.

▲ 16 апрелда Япония пойтахтида бешинчи халқаро Токио ярмаркаси очилди. Ярмаркада 31 мамлакат қатнашмоқда. Социалистик лагерь мамлакатларининг маҳсулоти ярмаркага келганларни жуда қизиқтирмоқда. Чехословакия Социалистик Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Венгрия, Руминия ва Болгария бу ярмаркада ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқдалар.

▲ Белградда совет бадиий фотографияси виставкаси очилди. Виставкага қўйилган 170 га яқин фотография совет кишилари турмушининг кўп соҳаларини ҳикоя қилади. Югославия пойтахтининг жамоатчилиги виставкага жуда қизиқмоқда.

ВИЛДИРИШ

Бугун, 19 апрелда республика газеталари Бирлашган нашриётининг Ленин хонасида (Правда Востока кўчаси, 26-уй, 4-қават) шаҳар матбуот, радио ва телевидение ходимларининг ўз прогрессив фаолиятлари учун таъқиб остида қолган журналистлар билан халқаро бирдамлик ҳафталиги.га бағишланган йиғилиши ўтказилади.

Ўзбекистон Журналистлар союзининг Тошкент бўлими бюроси.

Диссертация ёқлайдилар

1963 йил 29 апрель кундуз соат 12 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биология фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Т. Шевченко кўчаси 52-уй, Олимлар уйи зали) биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

А. Раҳимов: «Ғўзанинг ёш даврида сув алмашиши» деган темада.

Т. Г. Насибов: «Чигит униб чиқиш даврида азот моддаларининг ўзгаришига турли температуранинг таъсири» деган темада.

1963 йил 29 апрель кундуз соат 12 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий совети мажлисида (Братск кўчаси, 33-уй, конференц-зал)

А. Аҳмедов

фалсафа фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Совет Ўзбекистонида марксчаленинча фалсафа тарихидан (1917—1928 йиллар)» деган темада

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

УЧАР ТАРЕЛКАЛАР НИШОНДА

Қўшотар ов милтиғидан учиб кетаётган каклик, ўрдак каби қушларни бехато отиш санъатини эгаллаш осон эмас. Қўлқисдан учиб чиққан паррандани узоққа юбормай, отиш учун уни бир лаҳзанинг ўзида мўлжалга олиш керак. Бу маҳоратни эгаллаш учун мерган ўзидан 15 метр нарида учиб чиқиб секундига 30 метр тезликда кетаётган махсус тарелкаларни отиб синдириши керак. Бунинг учун нишон — тарелкани 40 метрдан нарига ўтказмай отишга улгуриш зарур.

Спортнинг бу тури жаҳон бўйича оммалашган бўлиб, баъзи мамлакатларда махсус тарелкалар ўрнига каптар учиришади (Миср, Италия, Бельгия, Швеция ва бошқа мамлакатлар). Бундай мусобақаларда неча мингдаб каптарлар бекорга ҳалок бўлади. Капиталистик фирмалар эса мусобақа қатнашчиларига каптар етказиб бериш ва уни пуллаш билан катта бойлик орттирадилар. Совет мамлакатининг спортчи мерганлари эса бундай шафқатсизларча қон тўкишдан бош тортадилар. Ахир каптар жойли қуш бўлиш билан бирга тинчлик рамзи ҳам-да!

Тарелкаларни уриб туширишда бўйича эса бизнинг мерганларимиз доимо биринчиликни эгаллаб келмоқдалар.

Ўтган дам олиш куни Туркистон ҳарбий округи овчилар советининг мерганлари машқ қилаётган махсус тирда 9-шаҳар спартакиадаси программаси бўйича шахсий ва команда биринчилиги учун ана шундай мусобақа ўтказилди. Отишнинг икки тури бўйича ўтказилган мусобақада «Динамо», «Спартак», «Меҳнат», Армия спорт клуби командалари учрашди.

Мусобақалар қандай якунланди? Командалар ва мерганларнинг кўрсаткичлари қандай бўлди? Бу ҳақда бош судья ўртоқ Г. Жўраев мухбиримизга қуйидагиларни айтди: қураш армия спорт клуби командасининг катта устунлиги билан ўтди. Бу командадаги олти мерганнинг ҳаммаси жуда яхши қатнашди. Улар 300 имкониятдан 246 очко тўпладилар. Армиячилар биринчиликни олиб, шаҳар спартакиадаси чемпиони деган шарафли номни ва кўчма кубокни эгалладилар. «Спартак» командаси голибдан 22 очко орқада қолди. Учинчи ўринни эса «Динамо» эгаллади. Уларга вимпель берилди.

Шахсий биринчилик учун бўлган мусобақада траншея тири бўйича спорт мастери Н. Струшченко голиб чиқди. Айланма тир бўйича эса Кондратьев энг яхши натижага эришди. Улар чемпионлик жетонини қўлга киритдилар.

Спорт

РЕСПУБЛИКА СПОРТЧИЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ФИНИШИ

Ўзбекистон XII спартакиадаси программасига кирган кўп кунлик велосипед пойгасининг қатнашчилари 15 апрелда Ўзбекистон пойтахтида финишга етиб келдилар.

Фарғона шаҳридан Ўзбекистон чемпиони А. Дулининг номи бу турдаги спорт ишқибозларига маълум эмас эди. Эндиликда у СССР халқлари спартакиадасида қатнашиш учун республика терма командаси составига кириш даъвогарларининг рўйхатини бошлаб берди. А. Дулин 1156 километр масофани 28 соат 42 минут 41 секундда босиб ўтди. Унинг соатига ўртача тезлиги жуда юксак бўлиб, 39,1 километрни ташкил этди. Бу билан у иккинчи марта чемпион номини олди. Биринчи марта 25 километр масофага ўтказилган пойгада чемпион бўлган эди.

Иккинчи ўринни бухоролик А. Притикин эгаллади. У чемпионга салкам икки минут ютқазди. Ўтган йилги чемпион Ю. Поминов эса (Тошкент) голибдан етти минут кейинда қолиб финишга учинчи бўлиб келди. Бу — республика пойтахтининг спорт ташкилотлари учун жиддий сигналдир. Чунки пойгада Тошкентдан энг кўп — саккизта команда қатнашди, аммо мукофот олувчи уч киши орасида тошкентликлардан фақат бир киши бор.

Командалар зачетида Тошкентнинг биринчи коллективи ғалаба қозонди.

Иккинчи ўринни Фарғона области пойгачилари эгаллади. Уларнинг вақти 87 соат 00 минут 56 секундга баравар бўлди. 87 соат 20 минут 51 секунд вақт сарфлаган Тошкент области командаси учинчи ўринга чиқди. Шундан кейинги ўринлар қуйидагича тақсимланди: Самарқанд, Бухоро, Андижон, Сурхондарё ва Хоразм областлари. Қорақалпоғистон командаси мусобақани тугалламади ва ҳеч қандай баҳо олмади.

Сўнгги этапда физкультура коллективлари командаларининг турнир жадвалида ўзгаришлар бўлди. Дадил олдинда борган «Старт» клуби коллективи ўз ўринни армияликларга ва Тошкент спартакчиларига бериб қўйди.

Қардош республикаларнинг коллективлари орасида Қирғизистоннинг биринчи командаси аъло натижаларга эришди. Тожикистоннинг биринчи терма командаси иккинчи ўринни ва Ленинобод шаҳрининг командаси учинчи ўринни эгаллади. Шуниси характерлики, дастлабки икки команда Тошкент терма командасига қараганда ихшироқ натижа кўрсатди. Тошкент терма командаси умумий зачетда фақат учинчи ўринни эгаллади ва қирғизистонлик пойгачиларга 21 минутни ютқазди. Қирғизистон вакили В. Старченко ҳам пойгада мутлақ голиб чиқди. Унинг вақти 28 соат 36 минут 37 секундга баравар. Иккинчи ўринни Г. Гредин (Ленинобод), учинчи ўринни С. Шепель (Тожикистон), тўртинчи ўринни А. Дулин (Фарғона) ва бешинчи ўринни А. Притикин (Бухоро) эгалладилар.

Пойганинг бош судьяси, Бутуниттифоқ категориясидаги судья Л. Боград мусобақага якун ясаб, ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Аввало, пойгачиларнинг велосипедларни ниҳоятда тез ҳайдаганликларини таъкидлаб ўтиш керак. Айрим этапларда тезлик соатига 43 километргача етди. Бу эса бешта пойгачига СССР спорт мастери нормасини бажариш имконини берди. Булар орасида Ўзбекистоннинг тўрт спортчиси — А. Притикин, В. Перевертайло, Г. Дик, В. Мосеенковлар бор. Маълумки, Қўқонда алоҳида старт берилиб 25 километр масофага алоҳида-алоҳида пойга ўтказилди. Бу мусобақада голиб чиққан М. Колюшевнинг эришган натижаси мамлакатнинг олимпиада командаси составига киритиш учун белгиланган нормалардан ортиқ бўлди. Яхши натижа кўрсатган 18 пойгачидан олти киши бу нормани биринчи марта бажарди.

Мусобақа республикамиз жуда яхши пойгачи кадрларга эга эканлигини кўрсатди. Эндиликда улардан СССР халқлари спартакиадасида қатнашадиган республика терма командасини тузиш керак бўлади.

* * *

Марказий «Пахтакор» стадионида пойга ғолибларини мукофотлаш маросими бўлди. Мукофотлар Тошкент биринчи командасига ва Армия спорт клуби пойгачиларига топширилди.

(ЎзТАГ).

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

ҲАР БИР КИТОБИ ЎЗИГА ҲАЙКАЛ

«БИРИНЧИ МАТБААЧИ ИВАН ФЕДОРОВ».

Рассом А. В. Моравов чизган расм.

Ҳа, матбаачи Иван Федоров томонидан босиб чиқарилган ҳар бир китоб унинг ўзига қўйилган абадий ҳайкалдир. Бундан бир неча асрлар илгари китобхонларга тақдим этилган адабиётлар И. Федоров босмахонасининг маҳсулотларидир. Бу ноёб китоблар минглаб ўқувчиларни ҳушнуд қилди. Улар ҳозирда ҳам камёб адабиётлар сифатида қадрланади.

Бундан роппа-роса тўрт юз йил муқаддам Иван Федоровнинг Москвада ташкил этган босмахонаси иш бошлади. Бу билан рус босмахонасига асос солинди ҳисоб. И. Федоров Украинада иш бошлаган биринчи китоб босмахонасининг ҳам ташкилотчиси сифатида машҳурдир.

«Апостол» китоби (1563 йил) Иван Федоров босмахонасида нашр этилган тўнғич асар ҳисобланади. Матбаачи кейинчалик «Апостол» номли китобни Львов шаҳрида ташкил этган босмахонасида ҳам қайта нашр этади. «Алифбе» китоби ҳам шу ерда босилиб кенг тарқатилди. Китоб саҳифаларидаги ҳарфлар аниқ ва тиниқдир. Унинг босмаханаларида босилиб чиққан ўндан ортиқ асарлар ҳозир мамлакатимиз кутубхоналарида сақланмоқда. 1909 йилда Москвада И. Федоровга ҳайкал ўрнатилди.

Шуниси муҳимки, унинг Острог шаҳрида босиб чиқарган (1581 йил) китоби ҳозир Алишер Навоий номли ўзбек давлат халқ кутубхонасининг нодир китоблар бўлимида сақланмоқда. Бу китоб нашр этилган шаҳарнинг номи билан аталган бўлиб, унда кўпгина афсоналар келтирилган. Китоб 1500 бетдан иборат. Унинг муқоваси тахтачадан иборат бўлиб, усти тери билан қопланган. Ҳар бир саҳифаси чиройли ва мазмундор орнамент билан безатилган. Китобнинг сўнгги саҳифасига Иван Федоровнинг шахсий муҳри босилган. Бундай муҳр Москвада қад кўтарган ҳайкали остида ҳам бор.

А. АЛИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ. 19 АПРЕЛЬ. 1963 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного и сельского областных Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31.936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 08087. ИНДЕКС 64695 А. 1575.